



e-mail: xxi_asr@umail.uz

XXI

29-APREL
2021-YIL
17 (911)

web sayt: www.21asr.uz

@XXIasrofficial

ASR IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA



Барака томорқада



Тирик жонмиз, яхши яшаш, турмушимиз тўкин, оиламиз хотиржам бўлмоғи учун куну тун елиб-югуряғимиз. Айниқса, давлат томонидан томорқачиликка алоҳида эътибор қаратилиб, кенг имкониятлар яратилаётган бир пайтда чекқада томошабин бўлиб ўтириш ҳеч кимга ярашмайди. Ҳозир юртимизнинг ҳар бир гушасида тўрт қарич ери бор одам имкон топди дегунча деҳқончиликка ўзини уряпти. Қашқадарё вилоятининг Қарши тумани "Чаман" маҳалла фуқаролари йиғини ҳудудидаги Човқай мавзесида яшаётган Бобуржон Шовқилов тадбиркорликка меҳр қўйган ёшлардан бири. У томорқасидаги 6 сотих майдонда иссиқхона курғанди. Ҳозир бодринг айна пишган маҳал. Бобуржон оила аъзолари билан Рамазон ойида элдошлари дастурхонини янада тўкин қилмоққа астойдил бел боғлаган.

ЎЗА

УШБУ СОНДА:

Қўшма йиғилишга
қўшимчалар бўлса, айтинг!



3

Сайловчини соғинаётган ДЕПУТАТ



4

Ҳақиқатга тик қаранг, ЖАНОБ!



6

"МАКРО"НИНГ МАКРИ



7

ОДАМЛАРНИНГ ҲАМ ҚУЛОҒИ БОР,
ҲАҚИҚАТНИ ЭШИТИШ УЧУН ЯРАТИЛГАН



12

Арзон, қулай ва тезкор!

Энди почтани кутиб ўтиришга ҳоҷат йўқ.

Наشريмизнинг электрон версиясига обуна бўлинг.

бунинг учун телефонингизга

"Play Market" ёки

"App Store" дан "XXI asr"

илловасини юклаб олиб, пул ўтказсангиз кифоя.



Хизмат кўрсатиш аҳоли бандлигини таъминлаш демакдир

Хизмат кўрсатиш соҳаси аҳоли бандлигини таъминлашда улкан имкониятларга эга йўналишлардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 36,3 фоизни, соҳада банд бўлганлар эса 50,1 фоизни ташкил этади. Мазкур рақамлар соҳа салоҳиятига нисбатан олганда анча паст кўрсаткич ҳисобланади.

Бу соҳада янги иш ўринларини кам ҳаражат билан қисқа муддатда ташкил этса бўлади. Лекин бугун биз бу жабҳа имкониятларидан қай даражада фойдалана оляпмиз? Жойларда маиший ускуналарни таъмирлаш устахоналари, кимёвий тозалаш шохбчалари, компьютер дизайнерлиги, бухгалтерия ва бошқа шу каби тадбиркорлик субъектлари етарлими? Маҳаллий ҳокимликлар яратилаётган шароитдан самарали фойдаланиб, ажратилаётган маблағларни тўғри сарфлаётими?

Худудларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича жорий йилда амалга оширилаётган устувор вазифалар юзасидан шу йил 22 апрель куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президентимиз бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, аниқ вазифаларни белгилаб берди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда иқтисодийни барқарорлаштириш учун катта-катта маблағлар сарфланаётган бир пайтда ҳокимлар ажратилган пулларни тўғри ва оқилона сарфлаш устида бош қотириши лозимлигини айтиб, уларда лойиҳаларни ишга тушириш бўйича тасаввур етишмаслиги, одамларни иш билан таъминлашда натижа пастигини таъкидлади.

Утган йилги пандемия даврида хизматлар ва сервис соҳаси энг кўп жабр кўрган яхши биламиз. Мамлакатимиз раҳбари шундай оғир шароитда ҳам, аввало, халқимиз, тадбиркорларимиз манфаати учун қайғуриш борасида собитлигини яна бир қарра намён этди. Тадбиркорларга 24 турдаги солиқ имтиёзлари, субсидия ва бошқа преференциялар тақдим этиш орқали 35 триллион сўмлик кўмак берилгани иқтисодийтимиз таянчи бўлган

тадбиркорлар ва ишбилармонлар учун катта имконият бўлди.

Хусусан, тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида хизмат кўрсатиш соҳасига ажратилган имтиёзли кредитлар, тижорат банклари ўз маблағлари ҳисобидан соҳага кўшимча кредитлар ажратгани ва бошқа имтиёзлар туфайли бу жабҳада кўплаб йигит-қизларимиз ўзини ўзи банд қилди, даромад манбаига эга бўлди. Қайси ҳудуд, шаҳар ва туманлар бу имкониятлардан самарали фойдаланган бўлса, бу, албатта, ўз натижасини берганини кўрди, гувоҳи бўлдик.

Бу соҳада ҳар бир ҳудуднинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, хизматларни кенгайтириш, янги хизмат турларини йўлга қўйиш, илғор тажриба ва намунавий лойиҳаларни жорий этиш бўйича янги методология яратиш ҳам ғоят муҳимдир. Мазкур жараёнда Ўзбекистон миллий банки ҳузурида хизматларни ривожлантириш бўйича лойиҳа-таҳлилий маркази ташкил этилиб, барча вилоятлардаги филиалларида унинг бўлимлари очилиши айна мудида бўлди. Энди уларда аҳолига намунавий тайёр бизнес лойиҳалари тақдим этилиб, касбга ўқитишдан бизнесни йўлга қўйишгача бўлган комплекс хизматлар кўрсатилади.

Видеоселектор йиғилишида ҳар бир вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларига хизматлар ҳажмини йил якуни билан 2-3 баравар ошириш, бунинг учун ҳафталик назорат ўрнатиш вазифаси қўйилиб, Тошкент шаҳрида хизматлар ҳажмини камда 3 бараварга ошириш, шаҳардаги 524 та маҳалла кесимида хизматларни ривожлантириш дастурини қабул қилиш топширилди.

Лойиҳаларни молиялаштириш масаласи ҳақида сўз борар экан, бу

Актам ХАЙТОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
Спикери ўринбосари,
O'zLiDeP фракцияси раҳбари



йил хизматлар соҳаси учун банклар томонидан камда 18 триллион сўм кредитлар йўналтирилиши, шунингдек, давлат томонидан тижорат банклари орқали кўшимча 300 миллион доллар ажратилиши ва шундан 150 миллион доллари 1 июлгача жойларга етиб бориши қайд этилди.

Эндиликда вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари, сектор раҳбарлари маҳаллага бириктирилган масъуллар билан бирга “маҳалла – туман – банк” принципи асосида лойиҳалар рўйхатини шакллантиради. Бунда ҳар бир маҳаллада камда 20, туман ва шаҳарда камда 70 та турдаги хизматлар бўлиши назарда тутиляпти.

Шунингдек, Миллий банк томонидан 28 та йирик ва ўрта шаҳарда туризм, транспорт, тиббиёт, таълим хизматлари ҳамда йирик савдо комплекслари ташкил этиш учун кўшимча 200 миллион доллар маблағ жалб қилинади. Умуман айтганда, бюджетдан ва Миллий банк томонидан хизмат кўрсатиш соҳасига жами 500 миллион доллар ёки 5,5 триллион сўм йўналтирилади.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга топшириқ беришдан олдин, қайси йўналишда бўлмасин, ҳамма шароитни яратиб, зарур маблағларгача ажратиб берапти. Маҳаллий ҳокимликлар бу маблағларни қонуний ишлатиб, лойиҳаларни ўз вақтида амалга оширсан, минг-минглаб янги иш жойлари пайдо бўлади. Президентимиз таъбири билан айтганда, “Ҳар бир вазир ватанпарвар бўлиб, ўзининг аравасини ўзи тортиб, берилган бир

сўм пулни қадрлаб, жойига етказса, одамлар ишонади”. Шу боис бундан буён мутасаддилар ўз йўналишида хизматлар ривожини учун ҳаракат қилиши, ҳар бир вазирлик ва идора раҳбари ўзи масъул бўлган соҳада аҳолига хизматлар кўрсатилишига тааллуқли муносабат ва ёндашувларини мутлақо ўзгартириши керак.

Барча даражадаги раҳбарлар ўз соҳасида хусусий сектор фаолияти учун ҳуқуқий база яратиб, рухсат бериш талабларини соддалаштириб, тадбиркорликка кенг йўл очиб берсалар, ўйлайманки, жойларда муаммолар бўлмайди, одамларда тадбиркорликка қизиқиш пайдо бўлади. Масалан, аэропорт, темир йўл ва автовокзаллар ҳудудларида, магистрал йўллар ёқасида савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш орқали ҳам (хавфсизлик талабларига риоя этган ҳолда) тадбиркорларни даромад, аҳолини иш билан таъминлаш мумкин.

Хизмат кўрсатиш – аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратишда катта салоҳиятга эга соҳа. Жойлардаги аҳоли даромадларининг реал ўсишини ҳам, аввало, хизматлар ривожидан яққол кўриш мумкин. Шу нуқтаи назардан биз асосий эътиборни хизматлар соҳасини ривожлантириш ва иқтисодий таркибда унинг ролинини кучайтиришга қаратамиз. Ушбу соҳа имкониятларидан унумли фойдалана олсак, нафақат қишлоқ жойларда иш ўринларини кўпайтиришга, балки аҳоли даромадларини оширишга ҳам муваффақ бўламиз.

Худудлардан хабарлар

Тошкент вилояти

ҲОКИМ ВА ДЕПУТАТ ОТАХОНЛАР ҲУЗУРИДА

Нурафшон шаҳар ҳокими Музаффар Салиев ва маҳаллий кенгаш депутати Тешавой Мирзакаримов нуроний отахонлар билан учрашди. Ифторлик дастурхони атрофида бўлган суҳбат илиқ ва самимий кечди.

Пирӯ бадавлатлар билан бўлган учрашувда келажакимиз эгаларининг таълим-тарбиясида уларнинг ўрни, ўғитлари ҳақида сўз борди.

Нурафшон шаҳар ҳокимлиги ахборот хизмати



Бухоро вилояти

“ҲОЛИМ СЎРИБ ЭТДИНГ ШОД”

Халқ депутатлари Бухоро туман кенгаши депутати Феруз Эргашев ўз сайлов округи ҳудудидаги кўнгли ўксиклар ҳолидан доимо хабар олади.

Бу сафар у муборак Рамазон ойи муносабати билан тадбиркорлар – Абдурахим Раупов ва Ҳакимжон Шодиев билан биргаликда “Гулшанобод” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотганлар билан учрашди. Уларга 11 турдаги озиқ-овқат маҳсулоти тарқатилди.

O'zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши матбуот хизмати



Кўшма йиғилишга кўшимчалар бўлса, айтинг!

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг кенгайтирилган кўшма йиғилиши бўлиб ўтди.



Тадбирда дастлаб сиёсий кучнинг жорий йил биринчи чораги давомидаги фаолияти аффилиҳа таҳлил қилинди.

Йиғилиш иштирокчилари ана шу муддат мобайнида барча партиявий ишлар, аввало, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва мамлакатимиз раҳбарининг 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномаси доирасида белгиланган вазифалар, шунингдек, сиёсий кучнинг Ҳаракатлар дастури асосида олиб борилганини таъкидлади.

Мажлисида сиёсий кучнинг барча бўлимлари иши бирма-бир кўриб чиқилди.

Номидан ҳам англашил-

яптики, партиянинг дастурий кўрсатмаларини ишлаб чиқиш ва мафқуравий ишлар бўлими зиммасига гоят масъулиятли вазифалар юклатилган. Бинобарин, бу бўлим юксак таълаблар даражасида ишлашга интилоқда. Ҳисобот даврида жами 83 минг 320 киши қатнашган 1 минг 101 та тадбир ўтказилди. 2020 йилнинг мос даврида эса 47 минг 16 киши иштирокида 643 та турли шаклдаги тадбир ташкил этилган. Карантин чекловлари туфайли уларнинг аксарияти онлайн шаклда бўлиб ўтган.

Тадбирларнинг кўпчилиги Президентимизнинг Олий

Мажлисида Мурожаатномаси мазмун-моҳияти, Ҳаракатлар стратегиясини "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, O'zLiDeP дастури ва сайловолди платформасида баён қилинган вазифаларни тушунтиришга бағишланди.

Партия ўз олдига қўйган вазифаларни рўёбга чиқаришда биринчи навбатда депутатлик корпусига таянади. 2021 йилнинг биринчи чорагида депутатлик гуруҳла-

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасида



римиз саъй-ҳаракати билан электоратимиз манфаати тааллуқли қонунлар ва ҳукумат қарорларининг бажарилиши устидан депутатлик назорати доирасида жойлардаги ижро этувчи ҳокимият тузилмалари раҳбар ва мансабдор шахслари 235 нафарнинг ҳисоботи эшитилди. Халқ депутатлари кенгашларига ва уларнинг доимий комиссияларига 330 та қарор ва 450 та масала киритилди. Раҳбар ва мансабдор шахсларга 3300 та депутатлик сўрови юборилди. Депутатлик гуруҳлари ва депутатларга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлардан 2 минг 784 та ариза ва шикоят келиб тушгани партияимиз нуфузи юқори эканидан дарак беради. 2 минг 192 та мурожаат ижобий ҳал қилинди. Қолганларида баён этилган масалалар ўрганилмоқда.

Шу йили мутасаддиларга юборилган депутатлик сўровлари сони 2020 йилдагига нисбатан 236 фоизга кўпайган.

Бошқа бўлимлар фаолияти ҳам қизгин муҳокама қилинди, иш самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Йиғилишда президентлик сайловларида O'zLiDePдан кўрсатиладиган номзоднинг сайловолди дастурини ишлаб чиқиш бўйича ташкил этилган экспертлар гуруҳининг ахбороти тингланди. Партия фаолиятига дахлдор бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Кун тартибидаги барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбириимиз

Суратларни
Шухрат РАҲИМОВ олган.

Кафтдек ердан катта даромад олаётганлар

Томорқадан фойдаланишга илмий ёндашиш, илғор иш тажрибалари жорий қилиш мумкинми? Бўлмасам-чи! Логистика, ўғит, уруғлик, кўчат ва махсус техникалар билан таъминот, етиштирилган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорга сотиш имконияти изланган жойда аҳоли даромади кескин ошаётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Бу билан бандликни таъминлаш даражаси кўтарилишини айтмасак ҳам, ҳамма билади.



мўлроқ ҳосил бериши ҳақида тажриба алмашилди.

– Самарқанд вилоятида ҳам томорқачилар ҳузурда бўлди, – дейди Ўзбекистон фермер, деҳқон ва томорқа ер эгалари Андижон вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Шерзод Исмоилов. – Жиззахлик томорқачиларни водийдаги иш тажрибалари билан таништириш баробарида ўзимиз ҳам бу ердаги кўплаб янгиликлардан боҳабар бўлди.

Меҳмонлар Андижонда самара бераётган иш усуллари, экин навлари, тажрибалар ҳақида йиғилганларга сўзлаб берган бўлсалар, мезбонлар лимон, мандарин, папая ва бошқа тропик ўсимликларни вилоят иқлимга мослаштириш давомидаги фаолиятлари билан уларни яқиндан таништириб ўтдилар.

Амалий семинар кафтдек ердан катта даромад олиш сирлари кўплигини, гириш турли ҳудудларда жойлашган бўлса-да, бир қатор ечимини кутаётган муаммолар, жумладан, имтиёзли кредит олиш, томорқа учун мўлжалланган кичик техник воситалардан унумли фойдаланишни йўлга қўйиш, логистика, маҳсулотларни экспорт қилиш каби кўплаб масалаларда юзага келаётган муаммолар умумийлигини ҳам кўрсатиб берди.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
"XXI asr" мухбири

Томорқа даромади орқали нафақат ўз оиласининг фаровонлигини таъминлаётган, балки маҳалладошу ҳамқишлоқларига ҳам баҳоли қудрат кўмак бераётган ҳамюртларимизнинг отасига раҳмат дейиш керак.

Баҳмал туманидаги Новқа қишлоғида томорқачилар учун ўтказилган тадбир баҳонасида "Новқа боғлари" деҳқон хўжалиги раҳбари Холиқул Абдухолиқов "Темир дафтар"га кирган хонадон соҳибларига 25 донадан жўжа, 2 донадан манзарали дарахт ниҳоли, 100 донадан помидор, бодринг, қалампир, булғор қалампир кўчатларини тарқатди.

O'zLiDeP Жиззах вилоят ҳудудий партия ташкилоти ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан ҳамкорликда Фалларолда ташкил этилган амалий семинарда ҳам иштирокчилар сони қўрилганидан ортиқ бўл-



ди. Маҳаллий кенгаш депутатлари, фермерлар, кенг жамоатчилик вакиллари Андижон вилоятдан таклиф этилган меҳмонлар билан бирга оилаларда бўлиб, томорқаларда олиб борилаётган жараёнлар, иссиқхоналар фаолияти билан танишдилар.

Семинар мезбони "Ма-

даният" ҚФЙга қарашли Қанглибод қишлоғида айни пайтда 1581 та хонадонда 9 мингдан ортиқ аҳоли истикомат қилади. Қайси ҳовлига кирманг, томорқасини гулла-тиб қўйганига гувоҳ бўласиз. Кичик иссиқхоналарнинг сони 43 тага етибди.

– Биз ҳам 7 сотих майдон-

да иссиқхона қуришга қарор қилган эдик. Хабарингиз бор, бундан уч-тўрт йил олдин ҳам бу соҳа биз томонларда янгилик эди. Шунданми, бошида бироз қийинчилик бўлди, – дейди хонадон соҳиби Рустам ака Давронов. – Лекин астойдил меҳр қўйиб ишласанг, зироатчилик илмини ўқиб ўрганишдан эринмасанг, натижа ёмон бўлмас экан. Ҳозир иссиқхонамизда 50 туп лимон, 25 туп апельсин, 25 туп мандарин, 3 туп киви, папая ва бошқа ўсимликларни парвариш қиляпмиз. Ўтган йили илк бор лимон ҳосилини бозорга чиқардик. Бу йил насиб қилса, оладиган даромадимиз янада ошади деган умиддамиз.

Андижонлик меҳмонлар бошқа хонадонлардаги томорқачилар фаолияти билан ҳам танишишди. Сабаби, қартошқа ҳамда бошқа सबзавот турларининг қайси навлари

Сайловчини соғинаётган ДЕПУТАТ

Одамларни рози қилишдек машаққатли вазифани ҳалоллик билан адо этаётганлар ҳақида айнан ана шундай самимий эътирофлар айтиляпти

Авваллари, бир эсланг, одамлар ўзи сайлаган депутатини йилда бир марта катта йиғилиш-учрашулардагина кўрар, қилган муружаатлари кумга синган сўздек исзис кетишини билиб, э, фойдаси йўқ, деб кўл силтаб кўярди. Бугун эса бошқачароқ тартибда ишляшяпти ноиблар. Узоққа бормаилик, ҳозир фаолият кўрсатаётган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларини қаранг! Шахсан Президентимиз ташаббуси билан деярли ҳар ойда, чорак якунида ўзларига ишониб овоз берган сайловчиларга ҳисобот бермоқда. Одамларнинг дарду ташвишларини синчковлик билан ўргаяпти, бор куч ва имкониятларини ишга солган ҳолда муаммоларни ҳал этишга интиляпти. Энди фуқаро депутатни излаб сарсон бўлаётгани йўқ, унинг ўзи қишлоғу овулларни кезиб, жойлардаги камчилик-нуқсонларга барҳам беришга астойдил ҳаракат қиляпти.

Бугун биз сўз юритаётган “Дехқонобод калий заводи” акциядорлик жамияти директори, 13-“Обираков” сайлов округидан халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашига сайланган депутат Ойбек Қурбонов ҳам ана шундай фидойи инсонлардан бири десак муболаға бўлмайди.

Гарчи у нуфузли гигант корхона раҳбари бўлса-да, сайловчилари билан юзма-юз учрашишга, мулоқот қилишга ҳар доим вақт топяпти. Унга ишонч билдириб овоз берганлар ҳам хато қилмаганликларига қайта-қайта амин бўлишаётгани янада қувонарли.

Депутатимиз ёрдамидан кўнгли тўлган, елкасини эзиб, асабини эғовлаб турган ташвишдан қутулган ўнлаб сайловчилардан бири Ҳилола Алимовадир. У Ойбек Қурбонов олдига мадад сўраб келди. Топганини рўзғордан орттира олмаётган экан. Қизи эса олий ўқув юртида контракт асосида ўқияпти. Агар тўлов кечикса, фарзандини талабалар сафидан ўчиришлари аниқ эди ўшанда. Орадан кўп ўтмай, депутат 3,5 млн миқдордаги контракт пулини ҳомийлик асосида ўтказиб бергани ҳақидаги хушхабарни эшитган аёл кўз ёшларини тийлмади...

Ноибнинг айтишича, “Дехқонобод калий заводи” акциядорлик жамияти ҳудуддаги ягона йирик корхона бўлгани учун одамлар иш ёки моддий ёрдам сўраб, раҳбариятга тез-тез муурожаат этишлари табиий ҳолга айланган.

Очигини айтганда, Дехқонобод туманининг “Ўзбекистон” маҳалласида камбағал фуқаролар кўп. Яқинда бўлиб ўтган очик мулоқотда ҳам кўпчилик, айниқса, хотин-қизлар ишсизликдан қийналаётганликларини айтишди. Умида Каримова, Муяссар Шукурова, Гулфиза Бекпўлатова нафақат ишга олинди, балки корхона томонидан уларга тикув машиналари ҳам совға қилинди. Умуман, ўтган йилларда ногирон, оғир шароитда яшаётган аёллар биринчи навбатда касаначилик асосида корхонага ишга

қабул қилиниб, ҳар бирига тикиш машинаси ҳада қилинди. Шунингдек, кўплаб олий маълумотли йигит-қизлар ҳам иш билан таъминланди.

Бойқўрғон маҳалласидаги бозор кўп йиллардан буён қаровсиз ётгани боис хароб аҳволда эди. Сайловчилар муурожаатидан сўнг таъмирланиб, савдо-сотик билан шуғулланувчилар учун барча шароит муҳайё этилди.

Туманининг 30 дан ортиқ маҳаллаларида кичик спорт майдончалари барпо этилиб, турник, брус ва бошқа турдаги, қиймати 30 млн сўмлик жиҳозлар ўрнатилди.

Дуоб, Харибулоқ, Декмирон, Қизилмозор қишлоқларида қийин шароитда яшаётган 15 нафар аёл ҳолидан хабар олинди ҳамда уларга уй-рўзғор буюмлари ва турли жиҳозлар совға қилинди. Тумандаги муҳтож оилалар фарзандларидан 8 нафарининг суннат тўйи ўтказилиб, ҳар бирига 500 минг сўмлик омонат жамғарма дафтарчаси ва велосипед ҳада қилинди.

Дехқонободдаги “Дуоб”, “Теракли” ва “Ойбек” ҳамда Қамаш туманидаги “Чангак”, “Довут” ҳамда “Қизилқишлоқ” МФЙларидаги кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган 35 оилага озиқ-овқат маҳсулотлари ва табиий ниқоблар тарқатилгани ҳам эътиборга молик. Ғуроти, Яша, Тўдачорбоғ, Оққишлоқ, Бешқўтон қишлоқларидаги юздан ортиқ камбағал оилага ҳам хайр-саховат кўрсатилди.

Айридевал қишлоғида яшовчи Музаффар Сатторовнинг уйини таъмирлаш учун 21 млн сўм ҳомийлик маблағи сарфланди. “Истиклол” маҳалласида яшовчи, онкологик хасталикдан қийналаётган Роҳидил Нурматовга 3 млн сўм, Тоҳир Утагановнинг чет элда даволаниши учун 5 млн сўм моддий ёрдам ажратилди. “Ёш кимёгар” болалар оромгоҳида етиштирилган 3 тонна картошка тоғ-кон мажмуаси ишчи-ходимларига бепул тарқатилди. Ёшлар ўртасида турли кўрик-танлов ва беллашувлар ўт-

казилиб, голиблар рағбатлантирилаётганини ҳам кенг жамоатчилик маъқулляпти.

– Туманимиз аҳолиси йўллар ҳолати ёмонлигидан ҳамisha шикоят қилади, – дейди Ойбек Қурбонов. – Негаки, ёмғир кўп ёққан пайтлари сел келиб, йўлларни ювиб кетади. Ўн минглаб



ларимиз фаолиятимизда асқотяпти. Хусусан, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни талаб даражасида йўлга қўя олганим туфайли ишимда унум бўляпти.

О'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши раисининг бирин-

одамлар истиқомат қилаётган қишлоқлар аҳолиси туман марказига бора олмай қоладилар. “Калтаминор”, “Бойқўрғон” ҳамда “Обод” МФЙ ҳудудларидаги қишлоқларнинг 4 километр ички йўллари таъмирланишига бош-қош бўлдик. Ғуроти, Яша, Тўдачорбоғ, Оққишлоқ ва Бешқўтон қишлоқларининг тупроқ қопламали йўллари эса текислаиб, шағал ётқизилди. Душа қишлоғига қарашли 8 километр йўл қопламаси янгиланди. Қишлоқларни бир-бири билан боғлаб турувчи кўприкларни тез-тез сел олиб кетади. Шу боис эндиликда селга дош берадиган мустаҳкам кўприклар қуриш бўйича тегишли идораларга сўровлар киритяпмиз.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида депутатга 154 та муурожаат бўлган. Улардан 93 таси ёзма, 67 таси оғзаки. Аксарияти ижобий ҳал этилган бўлса, ўндан ортиқ масала юзасидан мутасадди идораларга сўровномалар юборилди.

– Депутат мунтазам равишда ўз устида ишлаши, ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий билимларини муттасил ошириб бориши шарт, – дейди Ойбек Қурбонов. – Зеро, партия фаолиятига баҳо берилишида Кенгашдаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи бажарган ишларга ҳам назар ташланади. Шу ўринда Қарши давлат университетиде сиёсий партиялар вакиллари ҳамда маҳаллий кенгаш депутатлари учун ташкил этилаётган машғулотлар билим ва малакаимизи оширишда катта аҳамият касб этаётганлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Ўрганган-

чи ўринбосари, аппарат раҳбари Арзиқул Шеров ҳам мақолаимиз қаҳрамони масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда фаолият юритаётганини таъкидлади.

– Ойбек Қурбонов тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш, аҳоли турмуш шароитини янада яхшилашга қаратилган бир қанча амалвий лойиҳаларни амалга ошириш йўлида тиним билмаяпти, – дейди у. – Ваколатларидан самарали фойдаланиб, партиянинг сайловолди платформасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун бор билим ва тажрибасини ишга солаётир. Ислохотлар моҳиятини аҳолига етказиш ҳам депутат зиммасида эканлигини теран англаб, бу йўналишда ҳам изчил иш олиб боряпти. Амалга оширилаётган лойиҳалар устидан назорат ўрнатишга кўмаклашяпти, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масаласида вилоят партия ташкилоти билан яқиндан ҳамкорлик қиляпти.

Дарҳақиқат, амалий ишлар бардавом бўлса, одамларнинг партия ва унинг депутатлари ишончи ортиб, сиёсий куч дастурий ғояларини қўллаб-қувватловчилар, партияга эргашувчилар кўпаяди. Ойбек Қурбонов ҳам депутат, ҳам корхона раҳбари сифатида зиммасидаги вазифаларни бекаму кўст адо этиб, ҳамкасб ва сафдошларига ибрат бўляпти.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” мухбири

Маҳаллий ижроия ҳоқимияти вакилларининг таъкидлашича, турли соҳаларни рақамлаштиришни жаддаллаштириш орқали вилоятда қатор ижобий натижаларга эришилиб, аҳолига ҳар томонлама қулайликлар яратилмоқда.

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимининг жорий этилиши туфайли кам таъминланган оилаларга нафақа ва моддий ёрдам пуллари тайинлашда талаб этиладиган 10 дан ортиқ турдаги ҳужжатлар бекор қилинганлиги фикримиз далили. Шунингдек, бюджет маблағлари ноқонуний сарфланишининг олдини олиш кўрсаткичлари яхшилангани ҳам инсон омили инкор этиладиган электрон тизим шарофатидир.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиявий ёрдам олиш бўйича ҳужжатларни қабул қилиш ва қайта ишлашга мўлжалланган интеграциялашган “Тадбиркор” ахборот тизими эса 11 та банкда жорий этилди. Ўтган йилнинг якунига кўра 176 та тадбиркорлик субъектига жамғарма томонидан молиявий ёрдам асосида 521,0 млрд сўмлик кредит шу тизим бўйича ажратилган. Яъни, жамғарма маблағларидан шаффоф тарзда фойдаланиш имконияти яратилган.

Бугунги кунда вилоятдаги 176 та умумтаълим мактабида “Электрон кундалик” ахборот тизими тўлиқ ишляпти. Бундан ташқари, ҳудудлардаги ирригация тамроқларида сув ресурсларидан фойдаланишнинг реал вақт режимда мониторингини олиб бориш мақсадида 15 та автоматлаштирилган “ақлли” қурилмалар ўрнатилди. Бу, ўз навбатида, сувнинг аниқ ҳисоб-китобини юритиш, каналларда техник йўқотишларнинг олдини олиш, сувдан белгиланган лимит асосида, оператив бошқариш

42,3 млрд сўмга тенг бўлган 127 та лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган.

Аммо депутатларнинг фикрича, ҳамма ишлар ҳам ўз вақтида сифатли бажарилаётгани йўқ. Айрим лойиҳаларнинг кечикиши ҳолатлари ҳам

гичларни улашда эътирозлар бўлаётгани ёки хориждан импорт қилинадиган ускуналар пандемия даврида ўзи вақтида етиб келмаганини бунга сабаб қилиб кўрсатишмоқда. Инчунун, ҳисоблагичларнинг афзалликлари тўғрисида аҳо-

ланинг депутатларнинг қўшма йиғилишида “Электрон поликлиника” ахборот тизими доирасида Хонқа ва Шовот туманларидаги соғлиқни сақлаш муассасаларини компьютеризация қилиш ҳамда бошқа зарур қурилмалар би-

“РАҚАМЛИ ЎЗБЕКИСТОН - 2030”:

Ютуқлар ўз йўлига, камчиликлар қачон тuzатилади?

Халқ депутатлари Хоразм вилоят ва Урганч шаҳар кенгашларидаги O‘zLiDeP депутатлик гуруҳининг қўшма йиғилишида кун тартибига қўйилган ана шу саволга мутасадди ташкилот раҳбарлари жавоб бердилар



усули орқали оқилонга фойдаланишни режалаштиришга замин ҳозирлади.

“Рақамли Ўзбекистон – 2030” дастури доирасидаги лойиҳаларнинг биргина Хоразмдаги ижросига ажратилган маблағлар ҳам чакана эмас. Аниқроқ айтганда, 2020–2022 йилларда вилоятни рақамли трансформация қилиш бўйича умумий қиймати

мавжуд. Жумладан, электр энергияси ҳамда табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш доирасида замонавий ҳисоблагичларни ўрнатиш ишлари тўлиқ якунига етказилмаган. Мутасаддилар аҳоли ва тадбиркорлик субъектларидан “ақлли” ҳисобла-

ли ўртасида тушунтириш ва тарғибот ишларини кучайтиришда ҳамкор ташкилотлар ва депутатлардан кўмак сўралди.

“Худудгаз Хоразм” газ таъминоти филиали вакилининг таъкидлашича, замонавий ҳисоблагичларни ўрнатиш учун малакали пайвандчилар етишмаётгани ҳам режадан ортда қолишга омил бўлмоқда.

лан таъминлаш ишларига жиддий эътибор қаратилмаётгани қайд этилди.

Хонқа туманида қишлоқ хўжалиги техникаларига (трактор, комбайнлар ва бошқалар) GPS қурилмаларини ҳамда ёнилги сарфини назорат қилувчи ускуналарни ўрнатиш ишлари бошланган, бироқ якунига етказилмаган. Шовот туманида эса бу борада ҳанузгача “уйчилар ўйига етолмай” ўтиргани танқид қилинди.

Қизгин муҳокамалар давомида мазкур ҳолатларни бартараф этиш, белгиланган вазифаларни ўз муддатига бажариш юзасида масъул ҳокимликлар, идора ва ташкилотлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш ҳамда зарур чора-тадбирлар қўрилишини таъминлаш юзасидан депутатлик назоратини кучайтириш бўйича Халқ депутатлари Хоразм вилоят кенгашидаги O‘zLiDeP депутатлик гуруҳининг тегишли қарори қабул қилинди.

Насиба ВАИСОВА,
O‘zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби

Қуруқ ҳисоботдан фойда йўқ энди

O‘zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши депутатлик гуруҳининг танқидий-таҳлилий руҳда ўтган йиғилишида вилоят қурилиш бошқармаси бошлиғи А.Худойназаров, “Ўзсувтаъминот” АЖнинг вилоятдаги “Сув таъминот” масъулияти чекланган жамияти раҳбари ўринбосари Ф. Тошматов, вилоят автомобиль йўллари бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари У.Отамуродовнинг ҳисоботи тингланди.

Қутилмаган янгилик шу бўлдики, ҳар бир мутасадди ўзи етакчилик қилаётган ташкилотда амалга оширилган ишлар кўлами ҳақида маъруза ўқишдан воз кечишди мулоқотда. Ундан кўра, мазкур соҳаларда аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган муаммолар ва уларнинг ечимини топиш юзасидан савол-жавоблар асосида ташкил этилди тадбир.

– Аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини ошириш

ва унинг сифатини яхшилаш, сифатли канализация тизимини яратиш бўйича вилоятда йирик лойиҳалар олиб борилмоқда, – деди “Сув таъминот” МЧЖ раҳбари ўринбосари Ф. Тошматов. – Жаҳон банки кредити асосида “Сардоба, Оқолтин, Мирзаобод, Ховос ва Боёвут туманларининг 43 минг нафар аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳаси” якунланмоқда. Ислом тараққиёт банкининг 75 млн долларлик лойиҳаси асосида Гулистон, Янгиёр ва Ширин шаҳарлари канализация тизимини тубдан янгилаш ишлари жадаллик билан давом эттириляпти.

Аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси бугунги кунда 82 фоизга кўтарилди. 2021 йилда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида яна 22 та объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари, 228 км ичимлик суви тармоғи тортиш, 37 донна суви миноралари ўрнатиш режалаштирилган.

Шунингдек, депутатлар томонидан мутасаддиларга умумий фойдала-

нишдаги автомобиль йўллари ҳамда ички йўللаридаги носозликлар бўйича ҳам бир қатор жиддий саволлар берилди.

Бу каби муаммоларни ҳал қилиш борасида 2021 йил давомида Сирдарё вилояти ҳудудидан ўтувчи 636,1 километр узунликдаги автомобиль йўлларида умумий қиймати 192,7 млрд сўмлик йўл қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши белгилангани таъкидланди.

Тадбирда қайд этилганидек, мавжуд 319 та йиғинок, 236 та маҳалла фуқаролар йиғини, 12865 та кўчадаги ички йўллар пиёда юриб чиқилиб, ҳақиқий ҳолат ўрганилган. Унга кўра вилоятдаги 1 483 км таъмирталаб йўллари таъмирлаш бўйича тўрт йиллик режадастур ишлаб чиқилган.

Покиза Аҳмеджанова хонадонларда ичимлик суви учун ҳисоблагичларни ўрнатиш истеъмоличилар ҳисобидан



амалга оширилишининг сабаблари, М.Сулаймонов йўллари таъмирлашда сифатга аҳамият берилиши кераклиги ва соҳадаги бошқа бир қатор муаммоларни тилга олиб ўтди.

Йиғилиш сўнггида вилоят йўл хўжалиги ва вилоят қурилиш бошқармалари ҳисоботлари вилоят кенгашининг навбатдаги сессиясига киритиш таклифи билан маъқулланди.

Комилжон БУРХОНОВ,
O‘zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши депутатлик гуруҳлари билан ишлаш бўлими mudiri

Ҳақиқатга тик қаранг,

“ГАЗЕТАНИНГ ЗАМОНИ ЎТЯПТИ”.

Бу – баъзи бўлмағур одамларнинг гапи! Ва баъзи маърифатдан узоқ раҳбарларга ёқайтган гап. Яқинда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири қабулига узоқ йиллар хотин-қизлар кўмитаси кўмаги ва муассислигида нашр этилиб келинган ва оддий одамларга, халққа яқин бўлиб қолган нашримиз – “Оила ва жамият” тахририяти вакиллари киришибди. Газетанинг ҳозирги молиявий аҳволи оғирлигини айтиб, обуна ташкил қилишда ёрдам сўрашибди. Ва кутилганидек, рад жавоби берилган.

Алам қилади! Биласизми, биз “Оила ва жамият” да шаклланган янгича журналистика мактабидан кўп нарсалиқ бўлган авлодмиз, газетачилик анъаналарини ҳеч ҳам эсдан чиқаролмаймиз. Бир вақтлар бу газетанинг адади ҳозирги энг кўп чиқарган нашрдан ҳам бир неча баробар кўпроқ эди. Ва у, ўйламанки, бугунги наманан деган мутасадди ташкилотдан кўра одамларга яқинроқ, дарддашроқ, ҳамдардроқ эди. Бу катта ва жуда кўп меҳнатлар эвазига эришилган эътироф. Буларнинг ўрнига нима бор? Ҳозир ўша яқинликка ета оладиган ўзаро яқинлик, алоқа йўқ-ку! Ҳозир уйма-уй юрибмиз. Ваҳоланки, ўша пайтда газеталар борарди уйма-уй...

Бугун баъзи замоннинг “ақли дониш”лари гаджетлару сайтлар орқали дунёни забт этиш мумкин, деб ўйлашади. Лекин бу доноларнинг хаёлига ҳам келмайдики, гаджетлар ҳатто пойтахт Тошкентда ҳам яхши ишламайпти. Қишлоқларни гапириш эса мутлақо ортиқча! Мана, янги гап, яқингинадаги гап: Россияда чиқадиган “АиФ” газетасида ёзилишича, Россия бош вазири ўринбосари Дмитрий Чернишенко мамлакатнинг худудини 2030 йилгача интернет билан тўлиқ таъминлашга бор кучимизни сарфлаймиз, деб баёнот берган. Ҳали буям бир ваъда. Амалда қачон бўлишини вақт кўрсатади. Биз Россиядан бу борада илғорлаб кетмагандирмиз ёки адашдимми? Бирови Европада, Америкада ўқиб келиб, Ўзбекистонда Америка дунёсини тасаввур қилса, биз айбдоримизми?

Иккинчидан, маҳаллаларимизнинг бутун бўйи-бастини ёки соҳанинг сир-асрорларини ўзбек тилида муфассал ёритиб берадиган ёхуд мукаммал билим ё ахборотни излаб топа олиш мумкин бўлган бирорта сайт борми? Бу саволни нега ҳеч ким бермапти? Нега вазири бу жиҳдий масала ўйлантормаслиги керак? Қолаверса, гаджетларнинг йўли бошқа! Ижтимоий тармоқларнинг ҳам функцияси бошқа! Информация билан маърифатнинг, ахборот ва маълумот билан таҳлилнинг фарқига қачондан бери боролмай қолдик? Яна минг афсуслар бўлсинки, бугун кичкинчи кичик десак, баъзи бир ўзини катта билмишлар ҳам телеграм, фейсбук ва бошқа хил ижтимоий тармоқ хизматларини оммавий ахборот воситаси деб тушунмоқдалар. Ахир, қўлида телефони бор, лекин на маълумоти, на журналистикага оид мутахассислиги, на бирор жойда тайинли ишхонаси бўлган одам қандай қилиб матбуот вакили бўлсин?!

Кўчада юрган одам борки, сўз эркинлигидан фойдаланиши мумкин, албатта. Бу ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқи. Аммо айтайлик, биров ўзини блогерман деб атаса, бир думалаб ОАВ ходимиға, ҳатто раҳбарига айланиб, қолаётганларга энди раҳбарларимиз “эргашиб” кетавермаслиги жоиз. Йўқса, ҳақиқий

яти банд мамлакатга айлантиришни истаяпти. Астойдил, чин қалбдан ёниб истаяпти. Учинчи Ренессанс деганининг замирида бугунги эмас, эртанги жараёнин назарда тутаятган Юрт Раҳбари бугун ўша ёруғ кунга пойдевор кўймоқчи.

Маорифга сарфланаётган маблағу эътиборнинг чеки йўқ. Маънавиятни энг муҳим масала сифатида неча бор кун тартибига қатъий қилиб қўйилгангани-ку такрорлашга ҳожат йўқ. Матбуот ва ҳаттоки “мажбурий обуна” деган атамагача шахсан гапирди-я...

маҳаллада ҳозир маърифатнинг ўрни қандай? Янаям аниқроқ кўямиз масалани: Ўзбекистонда бугун қанча фоиз маҳаллага зиёлилар раислик қилмоқда? “Зиёли” дегани жуда кўпол айтганда, диктант ёзма хато қилмайдиган одам дейлик. Назаримда, бу саволга Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг ўзи ҳам жўяли жавоб бера олмайди. Чунки бунақа реал маълумот унда йўқ эканлигиға аминман.

Хўш, маҳаллага давлат томонидан қўйилаётган вазифалар қайси йўл билан етиб борапти? Мажлисларда, дўқ-пўписа билан! Тўғри! Аммо бу раиснинг ўзига борадиган топшириқлар. Аммо маърифий информациялар-чи? Биз кўп ҳолларда ҳокимларнинг дунёқарашини ва раъйдан келиб чиқиб сайланган маҳалла раисларининг салоҳиятига ишонамиз. Ишонмайлик! Бу тўғри йўл эмас. Улар газета ўқимаса, лоақал “Ахборот”ни кўрмаса, қанақа қилиб давлатнинг манфаатини ўйлайди. Ҳайлайди эмас, аввало тушуниши, билиши керак-ку! Ҳозир амалда улар фақат ҳокимнинг берган топширигини бажариш ва мажлисда гап эшитмаслиги ҳақида ўйлайди.

Ахир вазирилик ва кўмиталар, агентликлар бугунги замон талаби билан ишламоқчи бўлса, аҳоли, жамоатчилик, ҳеч курса, ўзининг тасарруфидига ташкилотларга ўзи қатъий, йўналишдаги ислохотлар ҳақида муфассал ахборот етказиб туриши шарт-ку! Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг сайтига кириб, сиз ўзинингиз соҳага монанд қизиқтирган саволларга жавоб излаб кўринг-чи, “қорнингиз тўяр”микан?

Шунча гапдан кейин... “Оила ва жамият” газетаси “ўлди”! Мен худди шу тақдир билан рўбарў бўлиб турган бошқа бир нашр ҳақида ўйлаб қоламан. Бу бевосита маҳалла фаолиятига ихтисослашган “Маҳалла” газетасидир. Унинг бир-иккита сонидаги мақолаларининг сарлавҳаларини келтириман: “Маҳалла раисига суиқасд қилинди”, “Қорин гами ҳал этилса, бас. Бугун дарду ташвишимиз шу”, “Оғир аҳволдаги мактабларнинг таъмирига неча йил керак?”, “Амалдорлар болаларини ахлоқсиз қилиб тарбиялаётганими?”, “Ичкиликни қоралаймиз, аммо нега дўконлар кўлаймоқда?”, “Ишсиз фуқароларга иш қидириб кунимиз ўтаяпти”, “Ҳар ким ўз вазифасини бажарса бўлгани”... сарлавҳаларнинг ҳеч бири маҳалла мутасаддисига бегона эмас, уларда кўтарилган мавзулар, шубҳасиз, оқсоқоллар, раисларнинг дунёқарашини оширишга бел боғлаб турибди. Айтинг, бундай маърифий қувватни яна қардан олади улар?

Бугунги кунда ҳафтасига 24 саҳифа чиқайтган “Маҳалла” Россиянинг “АиФ” нашри услубида, ниҳоятда долзарб ва ўқишли чиқмоқда. Вазир аслида тарғибот нуктаи назаридан ўзи учун бундан кучлироқ суянчиқ, ёрдамчи тополмаслиги аниқ. Яна бир ҳақиқат шуки, газета ҳозирда ҳар қандай босма нашрга ҳам услуб, ҳам талқин, тахрир ва ҳам чиройли безак даражасида баландлик қиламан, дейдиган нашр. Шундай экан, соҳа раҳбарияти бу катта тирговушни нега ўздан итарапти? Ахир, газетанинг бу қадар керакли дўст эканини аниқлаш учун нима этишмапти? Бундай нашрларни қучли мутахассислар, муҳаррирлар дизайнерлар чиқара олади. Иккиланмай айта оламанки, “Маҳалла”нинг ҳар қандай сониде берилган материаллар тўғлами

Хозир замон ўзгарди, одамлар энди кечагидай ишга мажбур эмас. Энг катта масала — жойлардаги иккунчи раҳбарларни бугунги ҳаёт, ҳаракат, шундагача мос ишлаши керак.

Шанкат МИРЗИЕВ

2021-йил 21-апрел чорshanba № 17 (1233)

Gazeta 1996-йil dekabrden chiqib chiqadigan • www.hurriyat.uz • hurriyat@mail.ru • Line/hurriyatuz • Hurriyat gazeti

Ўзбекистон Республикаси Президентининг О.А.Р.Н.СИ.И

ИККИНЧИ ҲАЖОН УРУШИ ҚАНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ушбу мақолада Ҳажон уруши вақтида қатнашган қўшниқларнинг ҳаётини баҳолаш ва уларнинг тарихий ҳиссасини баҳолашга ҳарakat қилинади. Ҳажон уруши вақтида қатнашган қўшниқларнинг ҳаётини баҳолаш ва уларнинг тарихий ҳиссасини баҳолашга ҳарakat қилинади.

ОЧИҚЧАСИГА ГАПЛАШМИЗ

ҲАҚИҚАТГА ТИК ҚАРАНГ, ЖАНОБ!

“Ташкилотнинг ҳаёти ўзгаришти”. Бу — баъзи бугунги одамларнинг гапи! Ва баъзи маърифатдан узоқ раҳбарларга ёқайтган гап. Яқинда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири қабулига узоқ йиллар хотин-қизлар кўмитаси кўмаги ва муассислигида нашр этилиб келинган ва оддий одамларга, халққа яқин бўлиб қолган нашримиз — “Оила ва жамият” тахририяти вакиллари киришибди. Газетанинг ҳозирги молиявий аҳволи оғирлигини айтиб, обуна ташкил қилишда ёрдам сўрашибди. Ва кутилганидек, рад жавоби берилган.

матбуот билан, кўчадаги “шантажчи”нинг фарқи қолмайди.

Ўйлаб кўринг, истаган киши маълумотли бўлсин, аммо мутахассис бўлмаса, оқ халат кийиб олгани билан шифокорга айланиб қолмайди-ку!

Шундай экан, минг тасвирга олсин, ижтимоий тармоқларда профил очиб “Америка очсин”, профессионал касбга эга бўлмаган, бирортаси валломат бўлса ҳам, журналистга айланиб қолмайди.

Ҳа, шундай! Қолаверса, бирорта фанни чуқур ўрганиш, мавзуни тўлиқ англаб етиш учун ўзбек тилида тўлақонли ахборотни интернетдан олиш имкони йўқ экан, нима қиламиз чираниб? Қани мантиқ?

Шу бос мен жамиятни газеталарга қарши кўйган кимсаларни маънавият ва маърифат қушандалари дегим келад. Гап босма матбуотда нон ёлётганларнинг ишсиз қолишидан хавотир олишда эмас. Уларга кун сайин “саводи гуллаб бораётган” юртимизда иш топилади. Топилганда қандоқ! Фақат юрта чин муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилаётган соҳани оёқ ости қилишларига чидаб бўлмаяпти.

Масала обунани кўр-кўрона рад этиш топширигини берганлар, бу ишдан “ўлгудек қўрқиб яшаётган” раҳбарларнинг ношудлиги ҳақида. Майли, менга кўшилмаслигингиз мумкин. Аммо эшитинг! Мен айтимоқчи бўлаётган аргументларни тарозига солиб кўринг. Кейин фикрингиз ўзгарар балки...

Президент Ўзбекистонни маънави-

Лекин Президентнинг бу гапи нега ижрога қаратилмапти?

Хўш, айтинг, жаноб “беназир”лар, сизнингча, маърифат қайси воситалар орқали жамиятга етиб боради? Учрашувлар орқалими? Маънавият бўйича ҳар доим мажлисга боровчи маълум тоифадаги жамоаларга ўқиладиган ва қарсақлар билан ўтиб кетадиган икки соатлик мажлислар жамият саводини оширади, деб ҳақимия ишонаясизми, балким шундай деб одамларни ишонтирмоқни истарсиз? Ҳаётга кўзимизни очиб қарайлик. Шу пайтгачаям, бундан кейин ҳам бу усул билан жамият ўзгармаган, ўзгармайди, нафақат ўзгармайди, биз вақтдан ютқазамиз, холос. Бундай тадбирларнинг “юз йиллик” “эксперт”ларига бир боқинг. Баъзилар коммунистик партия гоёларини ҳам тарғиб қилган, вақтида!

Одам уларнинг орасида кучли салоҳиятга эга психологлар, файласуфлар, илм-фан намояндалари, адабиётнинг нуқтадон билимдонлари бўлишини истаиди. Қадқда дейсиз? Маънавиятнинг оёғини кишанлаб келганларнинг баъзилари ҳам ҳали минбарлардан тушгани йўқ! Нима қиламиз яшириб?

Ахир бугун ижтимоий тармоқларнинг очиқ информацияларига тобора тўйиниб бораётган жамоатчиликка расмий маърузалар жўяли таъсир қила олишиға ишонинг нодонликдан бошқа нарсас эмас.

Иккинчи жиҳат, аҳли жамоанинг бош объекти маҳалла, тўғрими? Хўш,

ЖАНОБ!

ҳам даражаси, ҳам долзарблиги ва ҳам кўлами ва сони жиҳатидан мана-ман деган сайтни орқада қолдиришга қодир. Мана, парадокс!

Вазир эса бу ҳақиқатни тан ҳам олмайди, бунга эътибор ҳам қаратмоқчи эмас. Хўп, газеталарни илгари ўқимас эдик, ростки, “тез ўқиладиган” эди кўпчилиги. Лекин бугун бундай эмас-ку! Бугун одамларни ўйлантирадиган, муайян мавзуларга омманинг тўғри фикрини шакллантира оладиган кучга эга бўлиб қолганида таҳририятлар фаолиятига бу қадар совуқ муносабатнинг боиси нимада? Ваҳоланки, газета вазирга керак бўлмаса, маҳаллардаги оқсоқолларга, миллионлаб юрт ишқиди ёнаётганларга керак-ку! Ҳеч қурса шуни тушуниш наҳотки мумкин эмас?

Яна битта аччиқ ҳақиқат шуки, агар вазирлик бугунги бутун девони билан ҳаракат қилса ҳам, бир ҳафтада шу газетанинг таъсир куччалик таҳлилий иш, таъсирли маърифат, ўқишли илм тайёрлаши даргумон! Мен бунинг аксини исботловчи раддияни тинглашга, ўқишга ва агар исботи бўлса, мардларча қўл кўтаришга тайёрман!

Тўғриси, мен ҳозирги Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирини шахсан танимайман, унга ҳеч қандай хусуматим ва давоим ҳам йўқ. Фақат бир пайтлар маҳалла фаолиятини изчил ёритган журналист сифатида тизимнинг бундай маҳдуд ахборий аҳволига нисбатан бефарқ қолгим келмайпти. Қолаверса, газеталардек жамиятнинг дўстларига қарши бўлган ҳар қандай раҳбарда замон сиёсатининг амалдаги ижросига, унинг оддий одамлар қалбига етиб боришига қарши бўлган шахсни кўравераман.

Шахсан ўзим мажбурий обунга қаршиман. Ҳозир бунинг барча сабабларини ёзиб ўтирмоқчи эмасман. Битта сўз билан айтганда, мажбурий обуна шу пайтга қадар бўлса, учта-тўртта газетага фойда келтирган-дир. Келтирилган бўлса агар! Аслида бу, энг аввало, уни ташкил қилганларни боқадиган коррупция схема. Буни далиллаш учун узоқдаги архивларни титкиллашга ҳолат йўқ, 2020 йилги ишлар ҳам яққол кўрсатиб турибди. Шундай экан, келинг, бошдан дўппини олиб, жиддий мушоҳада қилиб кўрайлик. Нима қилсак бўлади?

Мард бўлайлик, қачонки нашр ўз муассиси талабига монанд эмас экан, унга ёрдам беришни талаб қилишнинг ўзи ортқача. Бироқ “Маърифат”, “Оила даврасида”, “Жамият”, “Маҳал-

ла” каби элга ҳам, соҳа зиёлиларига ҳам маъқул ва керак бўлган нашрларни вазирлик ва идоралар муассис сифатида сақлаб қолишлари, нафақат сақлаш, балки шу юрт равнақи учун, жамиятда тўғрилиқ, адолат таъминлашнинг барқарор бўлишига хайрихоҳ бўлиб ривожлантиришлари, кенг омманинг арзон кўмакчисига айлантиришлари зарур ва шарт деб ўйлайман.

Мисол учун, “Маҳалла” нашри таҳририятини вазирлик бюджетига ўтказиб, уни барча маҳаллаларга ўз вақтида етказиб бериш тизими яратилса, муаммо ўз ечимини топади. Унинг адади қанча кўп бўлса, газетанинг таннархи ҳам тобора арзонлашиб боради. Бу барчага маълум. Кези келганда, бир гап. Халқ таълими вазирлиги, олайлик, “Гулхан” журналининг ҳеч бўлмаганда ҳар бир синфга бир донадан етиб боришни режалаштирганида эди, унинг бир донаси, йўқ, бир йиллик баҳоси эллик минг сўмдан ошмас экан. Мен бу рақамни балким озгина муболага билан ёзаётган-дирман, аммо 30 кишилик битта синфга 300 минг сўмлик обуна ҳам ҳар бир болага 10 минг сўмга айланар эди. Хўш, бу билан ким ютар эди? Жавоби аниқ!

Қолаверса, журналистлар вазир ёки раиснинг эмас, соҳанинг дўстларидир. Вазирлик тизим сифатида катта ишларни зиммасига олган тўғрилма. Нашрлар бу тўғрилма мутасаддиларининг кўзини очишга, ҳаётларини тўғриллашга ёрдам беради. Аслида рост гапни айтиб турадиган асл дўсти кўп раҳбар камроқ адашиши ҳам ҳақиқат эмасми? Бу жуда кўп изоҳ ва тушунтириш талаб этмайдиган ҳақиқат. Кимки журналистларга очиқ юз билан қарашни истамас экан, у раҳбар ҳақиқатдан кўрқадиган одам-дир.

Дарвоқе, гап келганда, тўхтатиб ўтирмадим. Бизга Америкаю Европани тарғиб қилаётган баъзи замонавий раҳбарларимизга эса савол бор, ҳақиқатга тик қаролайдиган раҳбарлар Америкада қандай йўл тутишади, Европада жамоатчилик олдида оқруси бўлмаган вазирнинг қарори қандай бўлади? Биз биламизки – Истеъфо!

Нега унда бу қондага риоя этмай-сиз?

Эҳҳҳ...

Майли, бу энди бутунлай бошқа мавзунинг бошламаси...

Хўш ЭРМАТОВ.

“Hurriyat” газетасининг 2021 йил 21 апрель 17-сонидан олинди.

“XXI asr” ИЗОҲИ:

Ушбу мақоланинг босилиб чиққани ва катта-кичик давраларда (ижтимоий тармоқлар ҳам бундан мустасно эмас) муҳокамаю мунозараларга сабаб бўлганига роппа-роса саккиз кун бўлди. Албатта ўйлаш, мушоҳада қилиш, керак бўлса, мақолада кўтарилган жиддий ва кечиктириб бўлмас масала-муаммоларни атрофлиқ урганиши, хулоса қилмоқ учун бу кам муддат эмас, тўғрими? Лекин нуфузли вазирлик бу долзарб мақола замиридаги ҳаётий ҳақиқатларни обдон, чуқур таҳлил қилаётган бўлишига эҳтимолдан холи эмас. Фақат, айтинг, айтинг, бу ўрганиш алаоқиқат кейинги пайтларда мамлакатимиздаги аксар ваколатли вазирлик ва ҳокимлик, идораларга хос бўлмиш СУКУТга айланиб кетмасин-да.

Яна бир гап: бу мақола шу кунгача Ўзбекистонда ягона мустақил нашр деб келинаётган “Хуррият”да босилгач, кетма-кет тарзда “Оила даврасида” ҳамда “Маҳалла” газеталарида ҳам кўчириб эълон қилинди. Бу аънанани бугун биз ҳам давом эттиришга қарор қилдик. Негаки, кўтарилган мавзу, энг аввало, мамлакатда фаолият юритаётган оммавий ахборот воситалари, жумладан, журналистикамиз, айниқса, босма нашрларимизнинг ҳаёт-мамотига бевосита тааллуқли эканлиги боис томошабин бўлиб туролмаймиз.



“Макро” нинг макри ёхуд “чегирма” ортидаги қаллоблик

Ишхонамиз ёнида, тўғрироғи, пойтахтнинг Нукус кўчасида “Макро” супермаркети жойлашган. Шинам, озода, сермахсулот йирик дўқондан харид қилганга нима етсин? Аввалгидек деҳқон бозор оралашга ҳам ҳолат йўқ, керак бўлса, улардан-да арзон нархларда оласиз баъзи маҳсулотларни. Энг асосийси, мева-чева дейсизми, полиз маҳсулотларими, барчаси сараланган.

Тарозининг бошида ҳам беҳуда кетмайди вақтингиз. Енгилгина аравагани олдингизга солганча керакли нарсаларни расталардан териб кетаверасиз. Истасангиз, бир кило, истасангиз, бир дона олма ё 100 грамм печенье оласиз, энг муҳими, уларнинг аксарияти тайёр – қадоқланган, нархланган! Уйингиз ё музхонангизни ортиқча нарсалар билан тўлдириб қўйгандан кўра, кунлик ёки ҳафтalik эҳтиёжларингизнинг энг зарурларига мублаг сарфлайсиз.

Ишга келишда ҳам, уйга қайтишда ҳам истасам-истамасам, “Макро”га бир кириб ўтаман. Савдо мажмуасини айланиб юриб, рўзгорга етишмаётган нарсаларни харид қиламан. Айниқса, тез-тез бўлиб турадиган чегирмалар жуда ёқадди. Ҳар кун қайсидир маҳсулотни ярим баҳосида харид қилиш имкони. Бу кимга ёқмайди, дейсиз?!

Бу сафар (21 апрель куни) ифторлик дастурхонимни тўлдириб учун тўғри ширинликлар бўлимига йўл олдим. Кутганимдай, Украинада ишлаб чиқарилган баъзи шоколад ва қандларга “чегирма” деб ёзилган алван байроқчалар қадалган (масалан, одатда килоси 70 минг сўмлик шоколад 35 минг, 55 минг сўмлиги 23 минг... бу фарқ мижозни қизиқтириш ва харидга ундаш учун алоҳида кўрсатиб ҳам қўйилган!) Яна денг фарзандларим севиб ейдиган ширинликларга! Узиям мижозларга хуш келган, шекилли, таги кўриниб қолибди. Шартта уч хил шоколаддан мўлгина қилиб, халтачаларга солдим. Хизматчи йигит югуриб келиб, илтифот кўрсатди гўё, кўлимдагиларни олиб, электрон тарози сари кетди. Бирпасда нархини ширинликлар солинган халтачаларига ёпиштириб келди.

Қандолатларни аравачага солдим-у, кассага яқинлашдим. Шу пайт арзон экан-ку, яна бирор кило ола қолай, деб ортга қайтдим. Табиий ис-

так-да, бир килони пулига икки кило бериб турибди-ю, бундай имконият яна қачон келади. Шоколад айнимаса, ачимаса...

Ҳар эҳтимолга қарши пулим етармикан деб, телефоним орқали пластик картанинг ҳисобини текширдим. Сўнг харидларимнинг ҳисобини ҳам чамаладим.

Аммо... **не кўз билан кўрайки, ҳалиги учта халтачадаги ширинликларнинг биттаси байроқчада кўрсатилган нархда ҳисобланган, қолганлари ҳар доимгидек нархда!**

Рамазон ойида нотўғри гумонга бормаслик учун ўзимни тафтиш қилгим келди. Балки адашиб, бошқасини олгандирман, деган умидда яна ўша растага бордим, чегирмалардаги таклифга ва айнан шулардан қилган харидларимга назар ташладим. Йўқ! Адашмаман! Ростдан ҳам, **таклиф бошқа-ю, булардаги нарх бошқа экан!**

Иккинчи хизматчини чақирдим: “Мана шуларни қайтадан текшириб беринг?”. У ҳам мулоимлик билан, хўп бўлади, дея тарозиде тортач, адашмиганимни айтди.

– Ахир чегирмада бошқа нарх кўрсатилган-ку? – дедим ажабланиб.

– Бугун нархимиз ўзгарган, булар кечаги куннинг чегирмалари, қолиб кетган экан-да, – яна боғийдек илтифот билан изоҳ берди хотиржамгина. – Бизда нархларга компьютер орқали буйруқ берилади, тарозимиз нимани чиқарса, шу бўлади...

Ана холос! Энди айтинг, бу бемаънигарчиликни қандай оқлаш мумкин? Мен-ку, тасодифан нархга қарадим, одатда қарамайман ҳам, кўпчилик шартта олиб кетаверади. Мана сизга қаллоблик, талончилик!

Алдашгани учун асабийлашиб, олганларимни қайтариб бердим! Купна-кундузи чўнтагимдан камиде 100-150 минг сўм пулимни муттаҳамлик билан шилби, талаб олаётганларини кўра-била туриб қидолмадим.

Газетамизга “Макро” нинг макрини фош қилувчи мақолани ёзаман деб муштинми тугдим. Лекин хавотирим бошқаси: алдамчи байроқчаларга учиб, ўша куни яна қанча харидор чув тушди экан? Қанча одам 100 минг сўм ўрнига 200 минг, 500 минг сўм деб олган маҳсулотни учун 1 миллион тўлаб кетгандир балки?

Шундан бери “Макро” деган ёзувни кўрсам, тескари бурилиб кетяпман.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI asr” мухбири

Бугун маънавият, адолат тушунчаси бот-бот такрорланаётган ва барча шу мезонга амал қилиши таъкидланаётган вақтда ўтмишдаги воқеалар кўз ўнгимдан ўтаверади.

...Отам Шарофхўжа қори илмли, барчага ҳурмат билан қарайдиган, қалби меҳрга тўла, ширинсўз инсон эди. Шаҳар ташқарисида ер, мулкларни бўлиб, унда эҳтиёжманд одамлар меҳнат қилар, отам вақти-вақти билан хабар олиб, етишмовчилиги бўлса, етказиб берар эдилар. Қиш кунларининг бирида шериклари билан йўлга отланишибди. Кунлар қисқа, бирпасда қоронғи тушибди. Ҳаммаси отда бўлгани боис юришдан тўхтаб, йўлдаги бир қишлоқда дам оладиган бўлишибди.

– Чойхонага туша қоламиз, мана шу яқин атрофда покиза бир маскан бор, ошпазининг қўли жуда ширин, – дебди улардан бири.

Шунда отам:
 – Ҳали суриштирдим. Бир кўча нарида Қудрат исмли юпунроқ йигит яшар экан. Келинлар, унинг уйига кўнайки. Бир кун бўлсам, қозони тўлиб қайнасин. Яхшилаб бозорлик қиламиз, – дебди.

Хуллас, уларнинг қадамидан оила бошлиғи ва аъзолари суюниб кетишибди. Чўғлари бозиллаб турган сандал атрофига қуроқ кўрпачалар солинибди, ёнбошга болишлар қўйилиб, дилбар суҳбатлар бўлибди. Дошқозонда қайнаган шўрва, изидан тортилган ошдан кўни-кўшниллар ҳам баҳраманд бўлишибди. Отам бир айла-бир ҳовлига чиқса, отхонада отларнинг бўйнидан кучоқлаб, ёлларини силаётган уй эгасига кўзи тушибди. “Отга ҳавасмандлиги бор экан-да”, деган уй ўтибди кўнглидан. Тонг отибди. Нонушта ҳам жуда тўкин ўтибди.

Меҳмонлар кўзғолғач, мезбон отамнинг отини етаклаб олиб келибди.

– Имин, мининг отга, – дебди отам. Йигит ҳайрон бўлган экан, яна такрорлабди.

Мезбон ийманибгина сакраб отга минибди.

– Бу от энди сизники, буюрсин! – дебди отам ҳаммани ҳайрон қолдириб, – сиз эшигингизни катта очиб, бизни яхши кутиб олдингиз, чин дилдан хизмат қилдингиз, биз ҳам сизни хурсанд қилгимиз келди.

Йигит кўзида ёш билан миннатдорлик билдирибди...

Меҳмонлар уй эгаси билан хайрлашиб, кетаётганда кечаси уларга суҳбатдош бўлган, ҳозирги ҳолатга гувоҳ бўлган, шу маҳалланинг бадавлат одамларидан бири бошқа отни етаклаб йўлидан чиқибди.

– Қори ака, маҳалламизга отда келиб, пиёда кетсангиз, шаънимизга ярашадиган иш бўлмас. Бизлар пайқамганини пайқаб, бизлар қилолмаган яхшиликни қила олганингиз учун бу от сизга, – деб кўярда-қўймай отамни отга миндирибди.

Қишлоқдан чиқишгач, шерикларидан бири:

– Қори, хўб саховатли қалбингиз

Мен сув ичган дарёлар

бор-да, бечора йигит энди бу яхшиликнингизни бир умр эслаб юради, – дебди.

Шунда отам:
 – Мендан кўра Қудратнинг маҳалладоши тантироқ экан. Чунки мен бизни уйига киритган, дастурхонидан насиба тутган, кўнглимизга қараб хизматимизни қилган бир йигитга отимни бердим. У эса маҳалламизга отлик келган киши пиёда чиқиб кетмасин деб, маҳалласининг ор-номусини асраш учун мени отга миндирди. Уни қилганининг баҳоси меникидан қимматлироқ, деган экан...

Бу ерда гап кимнинг кўпроқ саховат қилганида эмас, шундай қадриятлар бизнинг миллатимизга хослигида! Ана шундай қадриятларга ворислигимизда.

Биз инсон ахлоқига турли томонлардан тажовузлар бўлаётган ҳозирги замонда бундай қадриятларни кўз қорачиғидай асрашимиз, болаларимиз, набираларимиз қалбига сингдиришимиз керак. Токи улар яхшиликдан яхшилик туғилишини билиб улғайишсин.

Сир эмас, баъзан қалбимизда қарама-қарши туйғулар тўқнашади. Кимдандир ранжиймиз ёки бирорта адолатсизлик, нохилислик қалбимизга малол келади. Хатто, ичимиздан “Ҳап, саними?!“ деган ўч олишга монанд хаёл ҳам ўтиши мумкин. Бундай пайтларда ҳаммаша ўзим сув ичган дарёларни эслайман. Яхши инсонларнинг бировларга қилган беминнат яхшиликлари мени ҳам яхши бўлишга ундайверади.

Аслида менинг бу ёруғ дунёга келишим бировлардан кўрган яхшилик билан бошланган. Отам Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманидаги катта боғдорчилик хўжалигига раҳбар бўлган пайтлар экан. Онам менга ҳомилдор, ой-кунлари яқин. Қаҳратон қиш. Онам “Чақалогим туғилса, хожамдан хабардор бўлолмай қоламан, бир бориб келай”, деб қишнинг изғиринли қунида йўлга отланибди. Тоғам уларга ҳамроҳлик қилибди. Оққўрғон туманининг Қўрғонча қишлоғига келганида йўл безовта қилибдими, онамни дард тута бошлабди. Ҳошимжон тоғам дуч келган дарвозани тақиллатиб, эшик очганга ҳолатни тушунтирибди. Уй эгаларининг бири иссиқ хонага жой тайёрласа, яна бошқаси дояга югурибди. Шундай қилиб, 1946 йилнинг 10 декабрь санасида бир меҳрибон инсонлар хонадониди дунёга келибман. Улар онамга ўз жигаридай эътибор кўрсатишибди, янги бўшанган аёлга қандай ғамхўрлик зарур бўлса, ҳаммасини оғринмай қилишибди. Орадан озгина фурсат ўтгач, тоғам ва онам, мени – жиш чақалоқни кўтариб йўлга чиқишган экан, ўша вақтнинг энг олди машиналаридан “Виллис” уларнинг ёнига келиб тўхтаб, тезда машинага чиқаришибди. Йўл-йўлакай тоғамдан бўлган воқеани эшитгач, олд ўриндикда



ўтирган савлатдор киши:

– Бу қизча энди бизнинг ҳамқишлоғимиз бўлади-да, исмини нима қўйдиларинг? – деб сўрабди.

– Ҳали исм қўймадик, – дебди тоғам.

– Рафиқамнинг исми – Ҳафизахон, жуда яхши аёл. Шу исми кўйинглар, малол келмаса, – дебди у.

Манзилимизга етгач, уловдан ташаётганимизда ўша одам бир парча қозонга нимадир ёзиб, онамнинг кўлига берибди ва дўконга боришимиз кераклигини тайинлабди. Ўша пайтлари оқ сурп, бумазий каби матолар тақчил бўлиб, ҳалиги киши бизга уларни олишимиз учун рухсат берган экан. Кейин билсалар, у шу туманининг раҳбари экан...

Энди отамнинг шу ҳолатга муносабатини кўринг. Менга гувоҳнома олиш пайти келганида туғилган жойимни “Тошкент шаҳри” деб ёздиришмоқчи бўлишганларида отам раҳматли қарши чиққанлар:

– Нима учун қизалогимнинг ҳаётига ёлғон аралаштиришимиз керак? Оққўрғон туманида туғилдим, демак, шу жойнинг номи ёзилади!

Шу-шу, ҳазил аралаш айтсам, оққўрғонлик бўлиб қолганман. Отам Шарофхўжа қорининг ниҳоятда тўғрисўз инсон бўлгани (тўғрисўзлик ҳам қадрият аслида) менга ҳаммаша вилоятга, ўша қишлоққа ҳаётим боғлиқлигини эслатиб туради, ўзимни ул муборак гўша олдида бурчли сезаман.

Мен ҳаётда бундай заҳматни ўзига тақдир билган қанча олимларни, улуғ қалбли инсонларни кўрдим. Улардан қалбимга нур тушди. Сўзимнинг исботи хотираларим, кўрган-билганларимдан келаверади. Балоғат ёшига етгач, ҳамма қизлар каби мен ҳам оила кўрдим. Вақти-соати билан оқли бўлдим, фарзанд кутаётган чоғларимда раҳматли онам Шарофатхон отин шундай деди:

– Сен олимнинг оиласига келин бўлдинг (филология фанлари доктори, беназир навоийшунос олим Абдуқодир Ҳайитметовнинг укаларига рафиқа эдим). Оталари йўқлиги учун сен шу закий инсонни – куёвнинг акасини “ада” дея эъзозладинг. Аллоҳ бу инсонга ҳар тарафлама

иқтидор берган экан-у, тақдир-да, бу оиласидан фарзанд кўрмаган экан. Агар мана шу кутаётган фарзандини шу инсоннинг оиласига берсанг, ҳам уларга қувонч бахш этасан, ҳам ўзинг тиниб-тинчиб яшайсан.

Кўндим. Барибир битта уйда яшаймиз-ку, дедим. Тўнғич ўғлим Фарҳодни овсиним, раҳматли Ҳалима онамнинг бағрига бердим. Аксига олиб, шу воқеадан сўнг кўп йил фарзанд кўрмадим. Яқинларимдан таъналар эшитдим. Бағрим қонаган вақтлар бўлди. Лекин мен Худойимнинг адолатига ишондим. Ўзимнинг яхшилик қилганимни билардим ва бу яхшиликнинг ёруғ қайтиמידан умидвор бўлдим. Тақдир ноумид қилмади, яна икки ўғил ва бир қиз билан сийлади. Ҳозир ҳар бири бир оиланинг беки, бекаси. Ўзларидан кўпайиб, жамят юкига елка тутиб, иззат-обрўда яшашаяпти.

Ҳамма саодатимиз илдизи сув ичган дарёларимизнинг поклигиди. Яна ҳам тушунарлироқ ифодаласам, оиламиз ҳеч қачон халқимиз учун қадри бўлган қадриятлардан узоқлашмаганида. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, бизнинг қадриятларимизнинг ўзагида Яхшилик деган иссиқ ва ёруғ бир тушунча туради.

Биз бугун одамлардан истаётган маънавий юксакликка ҳам аслан ана шу яхшилик орқали эришилади. Ёмонлик, ўч, қасос каби ҳиссиётлар кўнгилларга нафрат уруғини экади. Фазаб, жаҳл одамнинг ўзига хотир-жамлик бермаганидай, амалини ҳам нотўғри йўللарга буриб юбориши мумкин.

Алишер Навоий ҳазратларининг бир машҳур сатрлари бор:

**Ўз вужудингга тафаккур айлағил,
 Ҳар не истарсан, ўзингдин истағил...**

Биз зиёлилар ибратли хотираларимиз, кўрган-кечирганларимиз, дилдаги яхши ниятларимиз билан жон ва руҳга умр бериш учун яшаймиз. Атрофимизни ёритиб яшасак, бу дунёга келиб бекор яшамаганимизнинг белгиси бўлади. Бу кичик биттикларим ҳам шу яхшиликка дахлдор бўлиш йўлидаги бир уриниш сифатида қабул қилинади, деган умиддаман.

Ҳафизахон ҲАЙИТМЕТОВА,
 журналист, халқ таълими аълочиси

Президент 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида шундай таъкидлади: “Биз ўз олдимишга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуг мақсадни кўйган эканмиш, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улугбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий гоёмизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим”.

Уйғониш даври яқинми?

Аслини олганда, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга аҳд қилиб, тарих сабоқларидан тўғри хулоса чиқаришимиз, яъни биринчи навбатда ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш учун пухта ва оқилона тадқиқотлар олиб боришимиз, рақобатбардош касблар ҳамда касбий билимларни ёшларимиз чуқур ўзлаштириб, бурнёткорлик салоҳиятини кучайтириб боришлари керак.

Президентимизнинг Учинчи Ренессанс асосларини яратиш борасидаги ўта муҳим, айна пайтда мураккаб ҳамда шарафли вазифани кун тартибига кўйгани нихоятда тўғри бўлди. Демак, миллат ва халқ манфаатларини ўзида жамлаган улкан вазифалар олдимишда турибди. “Ўз ўрнида айтиш лозимки, – дейди таниқли сиёсатшунос Бахтиёр Омонов. – Ҳокимият бошқарувининг замонавий услубларидан айрим маҳаллий раҳбарларнинг беҳабарлиги ва юртимизда камбағалликда ҳаёт кечираётган аҳолининг мавжудлиги шароитида учинчи Ренессанс ҳақида фикр юритиш тўғримикин, деган саволни бераётганлар ҳам топилади” (“Халқ сўзи”. 2020 йил 28 ноябрь).

Илм-фан ривожини – давлат тараққиётининг пойдевори. Шунинг учун соҳага эътибор ҳар қачонгидан юқори. Ўзбекистон Республикаси Глобал инновацион индексда 2015 йилда 141 давлат орасида 122-ўринни эгаллаган эди. 2020 йили эса 93-ўринни эгаллаб, рейтингда 30 поғона юқорилашимиз ҳозирги пайтда илм-фанга берилётган эътибор, инновацион ривожланишга қаратилган ресурсларнинг самарасидир.

Давлатимиз раҳбари халқимизни миллий тикланишдан миллий юксалиш сари ундаётгани замирида қатъий ишонч ва чуқур ҳикмат мужассам. Негаки, келгуси ўн йиллигимиз асл юксалиш даври бўлиши муқаррар. Зеро, кейинги йилларда қабул қилинган ва кўзда тутилган қонунлар, фармон ва қарорлар, амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар тараққиётнинг янги зарварақларига асос бўлади.

Дарвоқе, давлатимиз раҳбари саъй-ҳаракатларининг Учинчи Ренессанс ҳақидаги қарашлари замирида улкан цивилизация – Уйғониш тажрибаларига эга миллат ва халқ ҳамда мамлакат тараққиёти, келажаги учун фидойилик бор. Бу йўлда амалга оширилаётган эзгу, хайрли ишлар ва эл-улус ғамидан бошқа ғами бўлмайдиган туйғулар ҳаётимиз мезонига айланмоғи зарур. Юртбошимиз таъкидлаганидек, биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислохотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хў-

жалигини механизациялаш муҳандислари институти ректори, Республика олий таълим кенгаши раиси, Иқтисод фанлари доктори, профессор Ўктам Умурзоқов шундай таъкидлайди: “Биз янгилашу кашфиётлар остонасига жуда яқин келдик. Мақсадни белгилаб олганмиш ва биздан аввалги устозлар ўз ҳаётини институтга, Ватанга бағишлагани сингари фидойилик талаб этилади. Шунда, албатта, мақсадга етамиз. Кўпчилик билмаса ҳам керак: узоқ 1922 йили Туркистон давлат университети-нинг гидротехника бўлимини 16 нафар сув тежаш бўйича мутахассис илк бора битириб чиққан. Демак, яқин орада биз Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг 100 йиллигини нишонлаймиш. Ушбу шонли тарихнинг кейинги тўрт йили жадал ривожланиш даври бўлди. 2016 йилдан эътиборан олий таълим даргоҳимиз қайтадан тикланди. Институтимизда “Tempus”, “Erasmus” ҳамда “Erasmus+” халқаро лойиҳа ва танловлари, Евроиттифоқнинг “Susadisa” ҳамда “GIZ” лойиҳалари, Ўзбекистон – Россия таълим форумининг лойиҳалари тўлақонли равишда амалга оширилмоқда. 2022 йили нишонланадиган бир асрлик юбилей арафасида биз институт тарихидаги янги юз йилликка инновацион ютуқлар билан, янги вазифаларни ҳал этишга қаратилган саъй-ҳаракатлар билан, янги платформада ривожланиш ва муваффақиятлар билан қадам қўймоқчимиз”.


Ҳозирги пайтда республикамиз олдида аънавий унсурлар ва илғор инновацияларни, ўзбек руҳияти ва Ғарб технологияларини ўзида бирлаштирган янги мамлакат қиёфасини шакллантиришдек муҳим вазифа турибди. Ушбу модернизация жараёнида шахс ҳаракатлантирувчи, етакчи куч, локомотив бўлиб хизмат қилишини унутмайлик. Аввало, жаҳон андозасига жавоб берадиган рақобатбардош кадрлар тайёрловчи мукамал таълим тизими барпо этиш учун Хитой, Япония, Сингапур, Малайзия давлатларининг таълим тизими тажрибасини ўрганадиган илмий-амалий марказларнинг ташкил этилиши – бу борада улкан қадам бўлади, деб ҳисоблаймиш (“Халқ сўзи”. 2020 йил 13 октябрь).

Бу айна пайтда мамлакатнинг янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга қолмай, тараққий эттиради, жаҳон ҳамжамиятининг талабларига жавоб беради ҳам. Оқибатда Президентнинг улкан мўъжизавий қарашлари яхлит – илмий-назарий ва амалий асосланган таълимотига айлана боради.

Карим НОРМАТОВ,
тарих фанлар доктори,
профессор

5 та ИМТИҲОН... мақсад нима?

Маълумки, олий ўқув юртига кириш учун абитуриентлар шу пайтгача 3 та фандан тест топширади. Жорий йилдан бошлаб бу талаба 2 тага оширилиб, жами 5 тага айланди.



Яқинда АОКА мажлислар залида ўтган матбуот анжуманида давлат тест маркази вакиллари бу янгилик ҳақида жўшиб гапиришди. Эмишки, фанлар сони оширилгани билан саволлар жуда содда бўлармиш... Унутмаслигимиз керакки, саволлар ҳар қанча осонлашмасин, рақобатга дош бериш учун абитуриент энди учта эмас, бешта фандан тайёргарлик кўради, керак бўлса, шунча фандан репетиторга қатнашга мажбур бўлади. Ахир, мактабда барча фанлар рисоладагидек, чуқур ўтилмайди-ку!

Энди уйлаб кўрайлик, олий ўқув юртига кириш истагидагиларнинг деярли асосий қисми битирувчи синф ўқувчилари, тўғрими? Улар тушгача таълим олиши, ундан сўнг тушлик қилар-қилмас, кўшимча таълимга югуриши, уйга келгач, алламаҳалгача ҳам мактаб, ҳам репетитор юклаган вазифаларни бажариши, битирув имтиҳонларига тайёрланиши керак. Тонгда уйкуга тўймасдан уйғониб, оёғини кўлига олиб яна мактабга югуради боёқши. Ҳали талаба бўлмасиданоқ соғлиғига путур етади, асабий, тажанг бўлиб қолади. Бу масаланинг бир томони.

Энди иккинчи тарафини қаранг: майли, ўта тиришқоқ ва тартибли ўқувчи ҳаммасига улгуради дерсиз. Бироқ харажатлар-чи? Бугунги кун-

да қишлоқ жойларида ҳар бир фан бўйича репетитордан сабоқ олиш учун бир ойлик тўлов камида 200 минг сўм. Бешта фан учун 1 миллион! Яна овқатланиш, ўқув қуроллари, йўл харажатлари... хуллас, бу бир рўзгорга 2-3 қоп ун қирмайди дегани. Демак, ойлик даромади бир миллион тугул ярим миллионга ҳам етмайдиган оилалар фарзандлари истаса ҳам, ўқув марказларига боролмайди. Университетга кириш учун битта ўринга 15-20 киши беллашадиган имтиҳонларда унинг ўрта таълими кифоя қилмаслиги аниқ.

Хавотирим шундаки, жамиятнинг ашаддий кушандаси бўлмиш коррупция мана шу ердан илдиэ ота бошлайди! Ахир инсоннинг олий орзуларига етишини мураккаблаштириш ҳам коррупциядир. Натихада илми, иштиёқи ва бир талай орзулари бор истеъдодлар отнинг қалласидек харажатлар олдида синиб (контракта илашса-да тўлаша қурбни етмай), олий маълумот ололмай, олис қишлоқда қолиб кетаверади!

Диёра ДАВРОН,
ЎЗМУ журналистика факультети
1-босқич талабаси

Қалампир

Пойтахтимизнинг каттакон кўчаси бўйи (тўғрироғи, машҳур “Ўзэлектро-аппарат”нинг қарама-қарши томони)да бу эгасиз матбуот дўкони нима учун турганига ҳайронмиш. Сабаби, Тошкентда метрни қўяверинг, бир сантиметр жой отликқаям топилмаётган бир пайтда ўғри тушган чайладай қаровсиз ётгани учун кимдир жавоб берармикан?

Маънавият сабоқлари

Мактабнинг оҳанрабоси бор

Ҳамма замонда шундай қараш урфда бўлган: ҳозирги ёшлар айниб кетяпти, қулоқсиз, катталарга бепи-санд. Бу табиий ҳол, албатта. Бугун ҳам шундай гап-сўзларни ҳар қадамда эшитиш мумкин. Лекин масала-нинг моҳиятига боқай-лик. Ростданам янги авлоддан кўнгли тўлмаётган бўлса, айб кимда? Бизнингча, бу борада катталарни ҳам оқлаш мушкул. Сабаб-лари бир дунё.

Оддий мисол, бугун боғча боласи ҳам телефоннинг ичига кириб кетяпти, интернетни ҳам балодай тушунади. Техника асри, глобаллашув даври бу, бошқа йўл йўқ. Хўш, нима қилиш керак? Таълим ва тарбия соҳасидаги ислохотлар ҳам шунинг учун тараққиёт босқичлари билан ҳамроҳанг тарзда олиб бориляпти. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгилаб берилган йўналишларни изчил амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг қўшма қарори имзолангани фикримиз исботидир.

Яқинда ушбу таълим масканида ушбу қарор ижроси доирасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг 80 йиллик ҳамда Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг 67 йиллик таваллудига бағишланган тадбир ташкил этилди.

Норқобил ЖАЛИЛ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист,
Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 214-умумтаълим мактабининг ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиси:

– Дунё адабиётида, Она образини, мулобағасиз айтиш



керак, Ўткир Ҳошимовчалик маҳорат билан ёритиб бера олган адиблар санокли. Ёки “Дафтар ҳошиясидаги биттиklar”ини ўқиган одам ҳаётни бошқача кўра бошлайди. Шахсан мен Ўткир ака билан кўп бора кўришиб, суҳбатлашганман. Хокисор, кўнгли дарё, камтарин инсон эди.

Сирождидин РАУФ,
“Шарқ юлдузи” ва
“Звезда Востока” жур-
наллари бош муҳаррири:



– Мен ҳар қанча фахрланиб айтсам арзийди, Ўткир Ҳошимовдек забардаст ёзувчи ўн йил бошқарган номдор журналда ишляпман ва бу жиддий масъулият ҳам юклайди. Қолаверса, бугунги тадбирда биз муборак номларини улуғлаб, ижоди ҳақида сўз юритаётган Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф билан “Тафаккур” журна-лида битта хонада ёнма-ён ижод қилиш бахтига муяссар

бўлганман. Ҳар иккала ижод-кор ҳам ўзбек адабиётининг устунлари эди, десам, янглишмайман.

Муҳаррам УМАРОВА,
214-мактаб директори-
нинг маънавий-маъри-
фий ишлар бўйича
ўринбосари:


– Тақдирни қарангки, Ўткир Ҳошимовнинг умр йўлдоши, фидойи устозим Ўлмасхон аямиз дарс берган мактабда ўқиганман ва кўп бора сабоқларини олганман. Севимли ёзувчимизнинг унутилмас суҳбатларидан баҳраманд бўлганман. Ҳозир ҳам Ўлмасхон опани ҳар доим шоғирдлари билан йўқлашни қанда қилмаймиз. “Дунёнинг ишлари” асарини ҳар йили бир марта мутолаа қиламан ва ҳаётнинг янги-янги қирралари очила-веради.

Тадбирнинг очиқ мулоқот, савол-жавоб тарзида ўтгани фойдали бўлди. Албатта, давлатимиз раҳбари билан ташаббуси билан қаламкашларнинг таълим муассасаларига жалб этилиши ўқувчилар руҳиятига ижобий таъсир кўрсатиши, асосийси, уларнинг адабиётга, китобхонликка янада меҳри ошишида алоҳида аҳамиятга эга бўлиши шубҳасиз. Эътиборли жиҳати, мактабимиз ўқувчилари томонидан тайёрланган бадиий дастур ҳам кечага ўзгача шу-куҳ бағишлади.

Санобар БОБОЕВА,
Тошкент шаҳридаги
214-умумтаълим мактабининг
она тили ва адабиёт
фани ўқитувчиси



Пресс-тур



Академияда ажойиб мулоқот

Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда ҳар жабҳада очиқлик, ошкоралик сиёсатини бошлаб берди. Бунинг шарофати билан юртдошларимиз қарийб ҳар бир ташкилот, идора фаолияти билан бевосита танишиш, муайян ҳулосалар чиқариш имконига эга бўлдилар. Ҳатто илгари нисбатан “ёпиқ” бўлган муассасалар ҳам бугун барча фуқароларга ўз эшикларини очмоқда.

Куни кеча Ички ишлар вазирлиги академиясида республика оммавий ахборот воситалари ходимлари ва блогерлар иштирокида пресс-тур ташкил этилгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Журналистлар таълим муассасаси фаолияти билан яқиндан танишдилар. Академиянинг замонавий қиёфаси, инновацион технологиялар билан жиҳозланган аудиториялар, назарий ва амалий машғулот ўтказиш хоналари, маънавият ва маърифат масканлари, спорт комплексида яратилган шарт-шароитлар, ходимлар ва тингловчи-курсантлар учун яратилган имкониятлар ҳақида маълумот берилди.

Ахборот-ресурс марказининг конференция залида “Ички ишлар органлари учун кадрлар тайёрлаш: ислохотлар ва истиқболдаги вазифалар” мавзусида матбуот анжумани ҳам ўтказилди. Унда академия раҳбарияти, тегишли тарки-

бий тузилмалар бошлиқлари иштирок этди.

Ҳозирги кунда мазкур таълим муассасаси Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги, Халқаро полиция академияси ассоциацияси ва бошқа бир қанча халқаро ташкилотлар билан алоқаларни йўлга қўйган. 20 га яқин давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига кадрлар тайёрловчи таълим муассасалари билан ҳамкорлик меморандумларини имзолаган.

ОАВ вакилларига Ички ишлар вазирлиги академияси фаолиятини ислоҳ қилишга доир ривожланиш стратегияси ишлаб чиқилгани, унинг мазмун-моҳияти хусусида ҳам маълумот берилди. Шунингдек, Президентимизнинг шу йил 15 апрелдаги “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ амалга оширилаётган ишлар юзасидан афроғлича сўз юритилди. Мазкур ҳужжат асосида амалиётга мутлақо янги тизим татбиқ этилмоқда.

Мухтасар айтганда, Ички ишлар вазирлиги академиясида соҳа учун интеллектуал салоҳияти ва профессионал билим даражаси юқори, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етуқ кадрларни тайёрлаш, фидойи ёшларни камолга етказиш изчил давом эттирилмоқда.

Шухрат РАҲИМОВ,
“XXI asr” муҳбири

ЭЪЛОН

“PSB Insurance” МЧЖ суғурта компанияси Хоразм вилояти филиали томонидан суғурта қилдирувчи Бабожонов Дилмурод Камилевичга берилган 0082037-рақамли полис йўқолгани сабабли юридик кучини йўқотганини маълум қиламиз.

Сен етим эмассан...

АХБАР
Фафур Фуломнинг ота-онасиз қолган гўдакларга бағишланган, болапарвар халқимизнинг юксак фазилатлари мадҳига айланган ушбу шеър яратилиши тарихи ҳақида шоирнинг рафиқаси куйидагиларни хотирлаган:

“1941 йилнинг куз ойларида фронт ичкарасидан қарилар, ота-онасиз қолган болалар Тошкентга вагон-вагон келтирила бошлади. Болалар келадиган кунлари Фафур ака, албатта, вокзалга чиқардилар. У ерда етим, мурғак, нимжон болаларнинг аҳолини кўриб, қаттиқ изтиробга тушар, юраклари эзилиб кетганидан бир неча болани ўз тарбияларига ҳам олмоқчи бўлганлар. 1941 йилнинг июль ойида Яшар исми 5 ёшли ўғлимиз вафот этган эди. Фафур акага ўғилдек бўлиб қолган ўн етти ёшли Жўраҳон исми укам урушга кетиб ҳалок бўлганди. Икки ўғлидан кетма-кет ажралиш уларга қаттиқ таъсир қилганди. Фафур Фулом ота-онадан ёш етим қолганлари, уч сингилларига ота ўрнида ота бўлиб тарбия қилишда моддий-маънавий эзилганлари сабабли етимликнинг оғир фожиаси юрагига ўчмас из қолдирганди. Етим болаларнинг аянчли аҳоли кўн-гилларини пора-пора қилиб юборар, айниқса, вокзалдан қайтганларидан сўнг тинч-осойишталигини йўқотиб, безовта бўлиб юрардилар...”

Бир куни мен чиқсам, китобхона уйнинг чироғи ёқилган, Фафур ака шеър ёзмоқдалар. Эшикни очиб секингина салом бериб ичкарига кирдим. У киши шунчалик ҳаяжонлини кетганларидан ҳаттоки менинг хонага кирганимни ҳам, салом берганимни ҳам сезмадилар. Астагина тепаларига яқинлашдим. Қўлларидея шеър битилган қоғоз билан менга қарадилар. Шеърни аста ўқий бошладим, лекин бир саҳифани охиригача етмай йўғлаб юбордим. Чунки битилган сатрлар кишини йўғлатмасдан қўямасди”.

Кўп ўтмай ушбу шеър Светлана Сомова таржимасида марказий газеталарда рус тилида эълон қилинган, жангдошларда қўлма-қўл бўлиб тарқалиб кетган. Ўзбекистонга ҳарбий қисм командирларидан “Ўзбек халқи фарзандларимизга меҳрибонлик кўрсатиб, ўз бағрига олаётган экан, деган юпанч билан аскарларимиз душманга қарши нафрат билан жангга киришади” деган мазмунда бехисоб хатлар келган. Урушнинг дастлабки ойларида бошлар Россия, Украина, Беларуссия, Молдавия, Бол-

тиқбўйи республикаларидан эвакуация қилинганлар Ўзбекистонга йўл олган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев буюк Ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва

Мargarита Меркулова Тошкентда уларни қандай кутиб олингани тўғрисида шундай ҳикоя қилган:

– Отам “Вулкан” заводининг директори бўлгани боис

тирлаган:

– Ўзбекистон хотин-қизларининг мамлакат аёлларига эвакуация қилинган болаларга оналик меҳрини кўрсатиш даъватига минглаб оилалар

1943 йили мактабга боришим керак бўлганда ўз уйининг тўридан жой берган ўқитувчи яқкаю ягона дастурхонидан сумка, деразадаги биттагина пардадан куйлак тикиб берган. Ҳақиқатан ҳам, ўзбеклар ноёб, доно, буюк ва жуда камтарин халқ.

Уруш йилларида ўзбек оилалари жами 4,5 мингдан зиёд етим болаларни асраб олишган. Айниқса, Шоаҳмад ота ва Баҳри ая Шоаҳмудовларнинг олий инсонийлик фазилати бутун жаҳонда тилларда дoston бўлган. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Иккинчи жаҳон уруши йилларида юксак меҳр-мурувват ва оқибат кўрсатган ана шу оиланинг жасоратини алоҳида қайд этиб ўтар экан, “Ер юзида жуда камдан-кам давлат ва миллат бундай юксак инсоний фазилатлар билан гурурланиши мумкин. Вақт ўтган сари Шоаҳмудовлар оиласи кўрсатган бу қаҳрамонликнинг аҳамияти ва қадри тобора ошиб бормоқда”, дея таъкидлаган эди.

Оддий темирчи Шоаҳмудовларнинг улкан оиласи ҳақидаги хабар узок-узокларга, ҳатто фронтга етиб берган. Бу ҳақда эшитган катта лейтенант Левицкий Шоаҳмад отага бир неча юз сўм пул юборган. Бу у оладиган машинани анча қисмини ташкил этган. Лейтенант токи тирик экан, яна пул юбориб туришини ваъда берган. Левицкий болаларни воёга етказишга қандай қилиб бўлса-да, ҳисса қўшишни истаган.

Бундай болажон, саховат-пеша инсонлар Ўзбекистонда кам эмасди. Жумладан, Ҳамид Самадов 13 нафар, Фотима Қосимова оиласи 10 нафар, бухоролик Жўраев ҳамда Ашурхўжаев оиласи 8 нафар болани асраб олишган. Ўзбекистон раҳбарларидан Усмон Юсупов ва Йўлдош Охунбоевлар оиласи ҳам етим болаларни ўз тарбиясига олган.

– Миллий қадриятгина одамларни буюк дўстлик сари чорлаб, қалб ва тафаккурга садокат ва жасорат туйғусини ҳада этиди, одамлиқни улуглашга имкон яратди, – деб эътироф этганди **буюк шоира Анна Ахматова**. – Инсонпарварликнинг юксак даражаси Шоаҳмад ва Баҳри аяларнинг қонимасиди? Дунё остин-устин бўлаётган бир паллада шу қадар меҳрга зор норасидани яхши инсонлар қилиб етиштира олган бу икки зотни энг улуг Ота ва энг улуг Она дегимиз келмай-дими?!”

Эркин ЭРНАЗАРОВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист



қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида таъкидлаганидек, “Янги аниқланган маълумотларга кўра, уруш ўчоғига айланган ўлкалардан Ўзбекистонга 1 миллион 500 минг киши, жумладан, 250 мингдан зиёд бола эвакуация қилинди. Халқимиз бу одамларнинг барчасига чинакам меҳр ва эътибор кўрсатди, сўнгги бурда нонини ҳам улар билан баҳам кўриб, юксак инсонпарварлик фазилатларини намоён этди, бир миллиондан кўпроқ кишини, шу жумладан, 200 минг нафардан кўпроқ етим болаларни ўз бағрига олган”.

Иттифоқ Халқ комиссарлиги кенгашининг қарорига мувофиқ 15 ёшгача бўлган болалар биринчи навбатда эвакуация қилиниши керак бўлган. Фронт ёнидаги жойлардан, биров кейинроқ қамалда қолган Ленинграддан болалар ташкилий равишда олиб чиқилган. Бошқа эвакуация қилинаётганлар билан бирга ота-онасида жудо бўлган гўдаклар ҳам келарди. Баъзан бир поездда 500 нафаргача етим болалар бўларди. Уларнинг кўпчилиги на ота-онасининг фамилияси, на ўзининг исмини биларди. Бунинг устига, узок йўлда оч қолганларидан оёқда ҳам тура олмасди.

Фронт чегарасидан кўчиришга муваффақ бўлинмаган болаларнинг фожиасидан эса Яд Вашем мемориал институтининг маълумотлари гувоҳлик беради: Беларуссиянинг 10 вилоятидан кўчиришга улгурилмаган 56 397 бола 1941–1944 йилларда ҳалок бўлган.

Ўзи ленинградлик бўлган

у ва эвакуация қилинаётган корхонамиз билан 1941 йилнинг августда шахримизни тарк этдик. Бир ой ўтгач, заводимиз Тошкентда маҳсулот ишлаб чиқара бошлаган. Ўзим мактабнинг 9-синфида ўқирдим. Биз Тошкент вокзалида жанговар навбатчилик қилардик. Поездлар асосан кечаси қаларди. Тун соат 2-3 да Ленинграддан келган болалар қайси вагонлардалиги эълон қилинарди. Ўзимизга берилган санитар билан замбил ва дориларни кўтарганча ўша вагонлар томон юғриб борардик. Вагонлардан оёқда аранг турган 4–14 ёшли болаларни олиб чиқардик.

Биз вокзалнинг ўзида энг аввал уларга бўтқа ва ярим кружка иссиқ сув берардик. Бундан ортиқча нарса бериб бўлмасди, врачлар йўл қўямасди. Кейин кийим-бошларни дезинфекция қилинарди ва болаларни Тошкентнинг ҳозирга Нукус кўчасидаги ҳаммомга олиб борардик. Шундан сўнг яна вокзалга келтирилиб, тунни шу ерда ўтказишарди. Кейин эса болалар уйларига юбориларди, ҳўпларини маҳаллий аҳоли ҳам асраб оларди.

1942 йилнинг 2 январида республика матбуотида Тошкент шахар хотин-қизларининг Ўзбекистон аёлларига муружаати эълон қилинган. Улар барча аёлларни уруш ўчоқларидан кўчириб келтирилган болаларга оналардек гамхўрлик қилишга чақирган.

Ленинград давлат университетининг тарих кафедрасининг профессори, тарих фанлари доктори Николай Козлов бу ҳақда шундай хо-

ҳамдард бўлдилар. Улар темир йўл вокзалларига келиб, кўчириб келинган болаларни ўзлари билан олиб кетишарди. Бухоро вилоятидан эса оилалар асраб олиш учун болалар етишмаётганини, бошқа шаҳар ва вилоятларда қолган бўлса, ўзларига юборишларини сўраб муружаат қилишган.

Болажон халқимиз етим қолган, ота-онасидан айрилган кичкинтойларга алоҳида меҳр-муҳаббат кўрсатган. Ўзбекларнинг бу фазилати ўзлари ҳам юртимиздан бошпана топган машҳур адибларни ҳайратга солган. Машҳур болалар шоири Корней Чуковскийнинг гувоҳлик беришича, у Тошкентга келиб, болалар уйларининг олдида бола олиш учун навбатда турган одамларни кўриб, ҳайратга тушган.

Кўчириб келтирилган болаларнинг 15 ёшгача бўлганлари – болалар уйлари, мактаб-интернатларга жойлаштирилиб, ўқув-тарбия ишлари йўлга қўйилган. Фабрика-завод таълими мактаблари, ҳўнар ва темир йўл билим юртларининг собиқ талабалари ўқишни давом эттириши учун республика завод-фабрика мактабларида ўқишга жалб этилган.

Ўзбек халқи урушининг ёш жабрдийдаларини ўз фарзандларидек меҳрибонлик билан бағрига олиб, улардан ҳеч нарсани аямаган. Уша йиллари онаси Ўзбекистонга эвакуация қилинган **Россия халқ артисти Юрий Стоянов** бунинг шундай таърифлаган:

– Онамни еттига фарзанди билан ўзбек ўқитувчиси оиласи бағрига олган. Мен

Одамларнинг ҳам қулоғи бор, ҳақиқатни эшитиш учун яратилган

ТОШКЕНТ
Тошкент шаҳрининг марказий кўчаларининг бирида Абдулла Қодирийнинг сурати ва шеъри пайдо бўлди. Кўриб, тўғриси, лол қолдим. Деворларга тунда чизиб кетилган юракчалару ҳақоратли сўзларга кўз кўнникан эди-ю, аммо Қодирийга – ҳақиқатга...

Суратда ҳам ўша Жулқунбой, ўзимизнинг қадрдон ёзувчи маҳзунлик ила боқиб турибди, бироз ҳадик, бироз ўй, бироз умид ила пешонаси тиришганча бизга тикилади, аммо наҳот кўринмайди. Қизил ранг устида муҳрланган қисмат тасвири бор бунда.

Ажойиб асарга телеграм каналларнинг бирида эрта тонг кўзим тушди. “Кўштирноқ ичидаги маънавиятчилар ўчириб ташламасидан тезроқ кўриб қолинг”, дейилганди хабарда. Тўлқинланиб кетдим, лекин берухсат чизилган бу суратни кимдир қачондир йўқотишини ўйламадим ҳам, чунки ўша он гаيريшуурий бир туйғу қамраб олганди вужудимни. Энди унинг устига чизиқ тортиш ҳеч нимани ўзгартрмайди. Севиндим. Наҳотки, шунга журъат топишган бўлса, йўқ дейман, бу ҳайратим уларнинг журъатига эмас, кўча деворларини ажойиб қилиб “бежаш” ҳақидаги илк фикрга айтилган таҳсин эди. Қойил сизга, сирли қахрамон – @inkuzart!

Эҳтимол, муаллиф ўз ҳайқирғини шу орқали “кар” одамлар қавмига тинглатмоқчи бўлгандир. Қалбига ўрнашиб, қийнаб келаётган ижтимоий дардлар, жамият ва одамларнинг маҳдудлик чегараси, жирканч нафс иллатларига ботган бандалар борасида эзилган ва умидсиз туйғуларини бизга танитмоқчи, ҳирсу ҳавасдан иборат таналарга асл башарасини кўрсатмоқчи бўлгандир. Санъаткорона очик исён, деган ҳам бўлардим бу кўча картинасини... Билмадим, мен шодланыпман, суратни томоша қилиб. Ахир ҳақиқат чизиб кетилган миллат деворининг очик пешонасига!

Қодирий кўп шеър ёзмаган, ижодининг дастлабки босқичидагина қофияли қалам тебратган. “Аҳволимиз” шеъри ўз даврида ҳам кўп таҳлилга тортилган. Академик шоир Ойбек “Абдулла Қодирийнинг ижод йўли” (1936 йил, Ҳамид Олимжон таҳрири остида) рисоласида “адиб “Аҳволимиз” шеърида эски ярамас одатлар – баччабозлик, беданабозлик, кўкнори-наша чекишлик ва бошқа нарсалар ҳақида ёзади, гафлатда қолган элни уйғотиш учун ёшлар – зиёлиларни даъват қилади”, дейди ва шеърни тўлиғича киритади. Бир аср олдин саналган иллатлар бу-



гун ҳам урчиб тургани ва ҳамон умид ёшлару зиёлиларда бўлиб қолгани учун “Аҳволимиз” кўчаларга сурат каби ёпиштириб кетилмоқда.

Қодирий ўз даври учун ёзди, замондошларининг дардини ва аҳволини кўрсата олди – шунга журъат ва сўз топди. Санъаткорлиги, тиниқ туйғулар эгаси эканлиги, халқни яхши билиши ва ўз устида тинимсиз ишлаши бизга Қодирийни берди. Ҳар давр учун сеvimли асар ёзиш учун, аввало, ўз замонидан кўприк топиши лозимлигини, бўлмаса, ҳеч қайси асрга сакраб ўта

борсангиз, сурат остида ёзувчи томон интилаётгандек тасвирланган парвона ва расмонинг замонавий имзоси – @inkuzart кўзга ташланади.

Ўткнчилардан кимдир тўхтаса, суҳбатлашишни ўйлайман. Аммо ҳамма беэътибор, жим ўтиб кетарди. Девор тилга кирган, лекин ҳеч ким эшитмасди, одамларнинг ҳам қулоғи бор-ку, дея ҳайқиргим келади. Кейин, ҳар қалай, бир болакай келиб қолди. Қўлида ўн икки варақли дафтар, мактабдан қайтаётган экан. Угина суратга бироз тикилиб турди. Фурсатни бой бермай, суҳбатга тортдим. “Абдулла Қодирийни танийман, ака! – амакиси ҳақида гапирётгандай кўзлари ёниб кетганди, мен ҳам ишончидан хурсанд бўлдим. – Бу йўлдан ҳар кунни ўтаман, @inkuzart Чилонзорнинг турли жойларига шундай расмлар чизиб кетяпти, Савдо маркази атрофида яна бор...” “Йўғ-эй, ростанми?” “Ҳа, суҳбатга тортдим. “Абдулла Қодирийни танийман, ака! – амакиси ҳақида гапирётгандай кўзлари ёниб кетганди, мен ҳам ишончидан хурсанд бўлдим. – Бу йўлдан ҳар кунни ўтаман, @inkuzart Чилонзорнинг турли жойларига шундай расмлар чизиб кетяпти, Савдо маркази атрофида яна бор...” “Йўғ-эй, ростанми?” “Ҳа,



оламслигини у биларди. Шунинг учун ҳам “Ўткан кунлар”ни китобхонлар айнан бугунги кун учун, ўзлари учун эзилган асар деб қабул қилади.

Кўча расмонинг асари кимгадир қизиқми? Ким кўрапти, ҳар кунни минглаб одамлар ўтаётган бу йўлда биров сурат ёнида тўхтаятми, сўзлабган деворни тинглаятми?

Шу саволлар ила “Новза” метробекатидан чиқиб, Муқимий кўча буйлаб юраман. Чорраҳа биқинидаги кўп қаватли уй деворидида қизғиш фон ва бир одам қиёфаси кўринади. Яқинроқ

ака, боринг-кўринг, булар бошқача...” “Қанақа? Улар нима учун бу ишни қияляпти, ҳеч ўйлаб кўрдингми?”, “Билмасам, лекин Қодирийни ёмонан ўхшатган-а, қаранг!” деди яна худди адибни ҳар кунни кўриб юргандай ишонч билан. Болакай, Қодирий, парвона ва шеър билан хайрлашиб, @inkuzartнинг бошқа ишларини қидиришга тушаман. Лекин ўша кун топа олмадим. Ўша мавзёда одамлардан қочмай, ерда бемалол юрган кабутарларни кўрдим, бутун олам улар билан тўлгандай эди. Кўнглим ёришди, худди Қодирий мени

шу қушлар томон – умид сари бошлаб келгандай.

Абдулла Қодирий миллатни уйғотиш фикридан ҳамон қайтмаган, қайтмайди ҳам. Аввало зиёлилару ёшлар уйғонмоғи, тўғри сўзни айтмоғи керак, бўлмаса “Аҳволимиз” шу ҳолатда ўзгармай деворлардан деворларга кўчиб ўтаверади. Ҳеч бўлмаса, ҳақ гапни айтаётганларни қўллашни, уларга таянч бўлишни ўрганайлик. Ахир бу Ватан ўзимизники, келажаги болаларимизники! Эзгу мақсадлар йўқ бўлмайди – ўлмайди, Қодирийнинг орзу-ниятлари ҳамон тирик... Ҳақиқатни доим айтиш, ёзиш керак, оломон тингламаса, мана, деворлар эшитида ва уларнинг юзи қизаради.

Гапираверинг, чизаверинг, ёзаверинг, одамларнинг ҳам қулоғи бор, бир кун улар ҳақиқатни эшитиш учун яратилганини англаб қолади.

Жавлон ЖОВЛИЕВ,
ёзувчи

Абдулла ҚОДИРИЙ

АҲВОЛИМИЗ

Кўр бизнинг аҳволимиз, гафлатда қандай ётамыз, Жойи келган чоғида виждонни пулға сотамиз.

Ўғлимизга на адаб, на фан, на яхши сўйламак, На худони буйруги бўлуги улум ўрготамиз.

Коримиз шундан иборат бўлди ушбу вақтда, Ўнтадин бедона боқиб ёзу қиш сайротамиз.

Ҳамда ҳар кун такяларда наша кўкнори чекиб, Баччага кокил солиб, оҳ-воҳ ила ўйнотамиз.

Қаримиз, боёнимиз, балки бу вақт оқвондамиз, Ногаҳон кўрсак агар бир бесоқолни қотамиз.

Ўртадан чиқса агар миллатни яхши суйғучи, Биз ани даҳрий санаб, тўфангча бирла отамиз.

Келингиз, ёшлар, зиёлилар, бу кун гайрат қилинг, Ухлаганларни агар қодир эсак уйғотамиз.

1915 йил

<p>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Ақтам ХАЙТОВ Диалом ШОУМАРОВ Шухрат БАҒОЕВ Мавлуда ХУЖАЕВА</p>	<p>МУАССИС: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI</p> <p>XXI ASR ITIMON-YIG‘OSIY GAZETA HAFTALIK NASHR</p> <p>Бош муҳаррир Норқобил ЖАЛИЛОВ</p> <p>Сирожиддин САЙИЙД Алхам ШОДМОНОВ Виктор ПАК Насимжон АЛИМОВ</p>	<p>Бош муҳаррир Фаррух ЖАББОРОВ</p> <p>Бош муҳаррир Уринбосари</p>	<p>Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри Нукус кўчаси 73-уй.</p> <p>электрон почта: xxi_asr@umail.uz xxi_asr@mail.ru</p> <p>Телефонлар: қабулхона – 71 215-65-80 (тел.факс). Обуна ва реклама бўлими – 71 255-68-50.</p>	<p>“XXI asr” иқтисодий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.</p> <p>“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.</p> <p>Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй. Газета офсет усулида, А-3 форматда босилди. Ҳажми – 3 босма тираж. Буюртма рақами: Г – 481 Тираж: 3527 Бэхоси қилинган нарҳда. Топширилди – 18-10.</p>	<p>Таҳририятга келган қўлбазлар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарибмайди.</p> <p>© “XXI asr” дан олинган маълумотларга мана сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.</p> <p>Муаллифлар фикри таҳририят илти назиридан фарқ қилиши мумкин.</p> <p>Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайнёр</p> <p>Маъруфжон Раҳмонов томонидан саҳифаланди.</p>	<p>ISSN 2121-477X</p> <p>4 7 7 2 2 2 1 4 7 0 0 9</p> <p>НАШР КЎРСАТИШИ: 486 12 3 6 6</p> <p>Навбатчи муҳаррирлар: Фаррух ЖАББОРОВ, Беход ИСРОИЛОВ</p>
--	---	---	--	--	---	---